

ИКРОМИДДИН ОСТОНАҚУЛОВ

**СЎЗ ЧАМАНИ ИЧРА
НАВО КЎРГИЗИБ**

*(Халқ хофизи Расулқори Мамадалиев
хақида рисола)*

"MERIYUS"
Тошкент - 2012

85.314 - Мусиқа

УДК: 821.512.133

ББК: 85.313 (5Ў)

О-84

Остонақулов, Икромиддин.

Сўз чамани ичра наво кўргизиб: халқ хофизи Расулқори Мамадалиев ҳақида рисола/ И.Остонақулов; масъул муҳаррирлар: С. Бегматов, Р.Носиров. - Тошкент: MERIYUS, 2012. - 88 б.

УДК: 821.512.133

ББК: 85.313 (5Ў)

Ушбу рисола ўзбек ижрочилик санъати ривожига катта ҳисса қўшган устоз санъаткор фарғоналик хофиз, созанда ва шоир Расулқори Мамадалиев (1927- 1976) ҳаёти ва ижодий йули, у камол топган маънавий муҳит ҳақида ҳикоя қилади.

Муаллиф замондошлар хотираси ва мавжуд ҳужжатлар асосида Р.Мамадалиев биографиясини бадиий жиҳатдан тиклашга, ўзбек халқининг истеъдод тарбиясига кўрсатган фидойилигини ифодалашга интилган. Инсон иродаси ва ҳаётга муҳаббати неларга кодирлигини кўрсатишга бағишланган бу асар санъатшунос, адабиётшунос, шунингдек, мусиқа ва санъат ўқув юртлари талабаларига, кенг китобхонлар оmmasига мўлжалланган.

Масъул муҳаррирлар:

Соибжон Бегматов,
санъатшунослик номзоди, доцент,
Раҳматилла Носиров,
филология фанлари номзоди,
профессор

Такризчилар:

Низомиддин Маҳмудов,
филология фанлари доктори,
профессор,
Насимхон Раҳмонов,
филология фанлари доктори,
профессор
Маҳмуджон Тожибоев,
Ўзбекистон халқ хофизи
Азиз Остонақулов,
ЎЗМУ магистри

Нашрга тайёрловчи:

Alisher Navoiy

nomidagi

ISBN 978-9943-395-47-3

© "MERIYUS" ХМНК, 2012 й.

© И. Остонақулов, 2012 й.

10 41495
2

ҚОМУСИЙ САНЪАТҚОР

Муסיқа санъати халқимизнинг маънавияти, рухияти, меҳнати, ўтмиш ва замонасини қамраб олган беназир уммон кабидир. Унинг бекиёс тармоқлари миллий анъаналар негизида юзага келган. Бебаҳо гўзалликлари халқимиз истеъдодлари ижодида жилваланган. Оддий куйлардан тортиб то, мукаммал "Шашмақом" намуналаригача халқимиз ички дунёсини, ўтмиши ва келажагини оҳангларда мужассам этган. Оҳанглар эса халқ орасидан чиққан моҳир истеъдодлар томонидан яратилиб, ижро этиб келинган ва куйланган. Энг моҳир намояндаларнинг ижоди ва ижодий маҳсуллари авлодлар томонидан давом эттирилиб, янги-янги замон руҳидаги намуналар билан бойиб, улкан мерос қатига жой бўлиб келган. Мероснинг мукаммаллашиши, авлодлардан-авлодларга ўтиши халқ ардоғида бўлган хонанда ва созандалар, ижодкор санъат намояндаларининг меҳнати, истеъдоди ва ижодининг самараси десак муболаға бўлмас. Яратилган ҳар бир ижодий намунанинг мукаммаллик даражаси унинг мерос уммонида қай тариқа жой олишини белгилаб беради.

Мумтоз муסיқий мерос ижрочилик санъати туфайли аждодлардан авлодларга узатилади. У ўзининг серқирра ва жуда бой анъаналарга эга эканлиги билан алоҳида эътиборни тортади. Ижрочилик санъатининг мукаммаллиги муסיқий мероснинг улканлигидан далолат беради. Мукаммал асарни мукаммал ижрочи талқини орқали эшитган ҳар бир тингловчи унинг бебаҳо маънавий дунёсини бирданга англаши осон иш эмас. Шу сабабли ҳар бир муסיқа шайдоси ундан маънавий баҳра олишга интилади, муסיқанинг сиру синоатларини билишга иштиёқи баланд бўлади. Мукаммал ижродан таралаётган оҳанг, ўзининг беҳисоб сиру асрорларини нафосат ила тараннум этаверади. Шу боис бўлса керак азал-азалдан, муסיқага ошуфта қалблар, унда мужассам топган сиру синоатларни англаш йўлида, сўз санъатини муסיқа

воситасида тингловчига етказиш илинжида беҳисоб байтлар битишган. Мусиқашунослар эса кўплаб илмий рисоалар ёзишган. Сўз ва оҳанг ҳамкорлиги янги янги шеърларга заллар ва куйларнинг пайдо бўлишига замин бўлган. Пировардида, беҳисоб маънолар хазинасини, яъни маънавий уммоннинг хосил бўлишига асос бўлган.

Ўзбек мумтоз мусиқа ижодиёти ва ижрочилиги бой анъаналарга эга бўлиб, асрлар давомида мохир созандаларни, хушовоз хонандаларни тақдим этган. Созандаю хонандалар ижро амалиётида ўзларининг беназирликларини, оташнафасликларини, илохий садоларга бой хонишларини келгуси авлодларга мерос қилиб қолдирганлар. Хожи Абдулазиз Абдурасулов, Мулла Тўйчи Тошмухамедов, Хожихон Болтаев, Мадрахим Шерозий, Домла Ҳалим Ибодов, Ҳамрокул Қори, Эрка Қори, Маматбува Сатторов, Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Расулқори Мамадалиев, Муҳаммаджон Каримов, Орифхон Хотамов, Фаттоххон Мамадалиев, Турғун Алиматов, Очилхон Отахоновлар шулар жумласидандир. Тамарахоним, Ҳалима Носирова, Меҳри Абдуллаева, Берта Давидова, Саодат Қобулова ва Коммуна Исмоилова каби онахон ҳофизалар ўзбек ашулачилик санъатида ўчмас из қолдирган улў сиймолардир. Ўзбек мумтоз мусиқа ижодиёти ва ижрочилигида бу намояндаларнинг ҳар бири алоҳида бир дунёдир. Зеро, мазкур санъат даргаларининг ҳар бири ўз услубида алоҳида мактаб яратиб кетган. Уларнинг ижрочилик услуби, репертуари ва яратган асарлари алоҳида ўрганишни талаб этадиган меросга айланиб улгурган.

Фарғона водийси - санъаткорлар юрти. Бу юртнинг ҳар бир гўшаси халқимиз маънавий ҳаётига тўхфа қилган намояндалари билан машҳурдир. Шулар орасида Бувайда тумани ҳам ўзининг олиму фузалолари, созанда ва хонандалари билан машҳур эканлигини эътироф этиш лозимдир. Айниқса, мумтоз мусиқа санъати ижодиёти ва ижрочилиги бўйича халқимизга беназир хизмат қилган ва улкан меросга муносиб улушини қўшган устоз санъаткор Расулқори Мамадалиевнинг ижодий фаолияти алоҳида ўринга эгадир.

Расулқори Мамадалиев ижодий фаолияти давомида табиий истеъдоди, ўткирсўзлиги, оташнафас хонишлари, бастакорлик иқтидори ва мохир созандалиги билан ўзбек мумтоз мусика санъати ижрочилигида чуқур из қолдирди. Расулқори Фарғона водийсида машхур бўлган устоз санъаткорлар Маматбува Сатторов, Эркақори Каримов, Хамроқулқори каби ҳофизлар, санъатимиз дарғаларининг ижро анъаналарини ўзлаштириб, ижодининг камолот палласида ўзига хос жозибалар билан суғорилган ижрочилик услубини яратди.

Ижродаги илк қадамлари ўзбек санъатининг мумтоз мусика ижрочилигида донг таратган намояндаларнинг ижро репертуарларини ўзлаштириш билан бошланган. Устозлар хонишларини идроклаш ва уларга муносиб талқин бериш Расулқори Мамадалиевнинг ижродаги эталони эди. Зеро мукамалликка интилиш, янги юксак марраларни забт этиш унинг олий мақсади эди. Шу боис унинг ижрочилик услубида, ўзига хослик, устозлар ижро анъаналарига ижодий ёндашув, мохирлик ва мумтозлик мужассам топган. У ижрочилик фаолиятининг илк давлариданок Фарғона-Тошкент мақом йўлларига мансуб "Дугоҳи Хусайний", "Баёт", "Сегоҳ", "Гулёр", Хоразм суворалари, халқ бастакорлик намунаси "Эшвой", "Бозургоний", "Гулузорим" каби мумтоз ашулаларни ижро этади, мумтоз наволар хонандаси сифатида элга танилади. Давр санъаткорлари, устоз ва издошлари унинг беназир хонишлари ва аския борасидиги ҳозиржавоблигини инобатга олиб, ўзгача лутф билан "Қори" деб аташа бошлайдилар. Фаолияти давомида ўзбек мусика ижрочилигидаги мавжуд ижро усулларини мукамал ўзлаштиришга эришади. Ижрочиликда камолотга етган даврида у танбур созининг мохир ижрочиси, хонандаликда эса маълум малакага эришган ҳофиз сифатида тан олинади. Адабий мерос намуналарини ёдлаб ўзлаштиради, мумтоз адабиётни, сўз санъати ва ирфоний маърифатни чуқур ўргангани, ўзи ҳам шеърини ижод билан шуғулланади.

Йиллар давомидаги сабоқ жараёни, меросни ўзлаштириш сайъ-ҳаракатлари, ижрочилик амалиёти мохир санъат намояндаси сифатида эътироф этилишига боис бўлади. Кўзи

ожиз бу ноёб шахс фавкулода кучли хотира соҳиби бўлган. Катта ашула, ашула ва яллалар ижрочилигини муносиб эгаллаб, ўз ижросини турли хусусиятлар билан бойитганлиги унинг ижро репертуаридан яққол кўринади.

У ўзининг ижрочилик маҳоратини мустаҳкамлашда нафақат Шарқ халқлари мусикий маданияти, балки Ғарб мусиқа ижрочилиги анъаналарига ҳам бефарқ бўлмаганлигини алоҳида эътироф этиш лозимдир. Замон мусиқа оламидаги ҳар қандай мукамал асар ижросини ва бошқа халқлар ардоғида бўлган санъат намуналарини топиб ўрганишга ҳамда уларнинг маҳорат сирларини ўзлаштиришга ҳаракат қилади. Шу боис бўлса керак, у қардош халқлар мусикаларини кўп тинглаб, уларни севимли сози танбурда талқин этар эди. Бу эса ўз навбатида хонанданинг ижро услуби умумбашарий жиҳатлар билан бойишига хизмат қилган.

Унинг ижро услубида бир қатор хонандалик ва созандаликда муҳим бўлган жиҳатлар мужассам топган. Аввало, мусиканинг бенуқсон талқини, талаффузда бурролик ва аниқлик, матн мазмунига хос оҳанглар талқини ва албатта ижродаги шиддат Расулқори Мамадалиев ижро услубининг асосий жиҳатлари сифатида гавдаланади. Танбурда ўз ижросига жўр бўлишда ниҳоятда моҳирлик, аниқ усулларни ноҳунда ифодалаб борилиши ва сайқаллар билан бойитилиши кузатилади.

Расулқори ижро услубида талқин этиш ижрочидан жуда катта маҳорат талаб этади. Маҳоратни намоён этиш учун эса, янграқ ва кенг диапазонли овоз, сўзларни маънолар кесимида бурро ва тароватли талаффузи, усулларни аниқ ифодаловчи жўрнавозлик, сержило оҳангларни ранг-баранг сайқаллар билан безаб шиддатли талқин этиш лозим бўлади. Бу жараёнда албатта, саз билан хониш мутаносиблигини сақлаш муҳимдир.

Ижро амалиётида муайян ижро услубининг мактаб даражасида ривожланиши ушбу услубнинг муваффақиятли давом этиш жараёни билан боғлиқдир. Бу хусусда унинг доимий ҳамнафаси янгиқўрғонлик Комилжон (Қамолиддин) Ҳамроқуловнинг меҳнатларини ҳам эътироф этиш зарур. Комилжон ҳофизнинг овоз имкониятлари Расулқори

имкониятлари билан бир хил эди. Комилжон ҳофиз (1910-1999) Расулқоридан 17 ёш катта бўлиб ҳамнафаслик давригача яккахон ашулачи бўлган. Кейинчалик устоз ва мухлислар бу икки хонанданинг ижодий ҳамкорлигини тинглаб кўргач, уларни доимий бирга куйлашга даъват этишган. Мана шу ҳамнафаслик натижаси ўлароқ Расулқори ва Комилжон Ҳамроқулов ижросидаги ашулалар бугунги кунда радио фонотекамиз хазинасидан муносиб ўрин эгаллаган.

Расулқори Мамадалиев ижросидаги "Даромади Ушшоқ", "Насри Ушшоқ", "Насри Баёт", "Бебокча", "Салламно", "Кезарман", "Окибат", "Сувора", "Жунун водийсига", "Айладинг кетдинг", "Гулдаста" каби ўнлаб мумтоз мусиқа намуналари ана шундай услубда ўзгача талқинини топганига гувоҳ бўламиз.

Ижро маҳоратида Расулқори Мамадалиевнинг ҳар бир асарнинг асосий мағзини сақлагани ҳолда ижодий ёндошишини ҳам алоҳида қайд этиб ўтиш жоиздир. Ўзбек мумтоз мусиқа намуналари авжларга бойлиги билан алоҳида ажралиб туради. Шу билан бирга ўтмиш хонандаларининг мусиқий намуналарни турли намудлар, авжлар билан бойитиб ижро этиш анъаналари бўлган. Бу албатта энг мохир хонандалар томонидан амалга оширилган. Расулқори Мамадалиев ҳам бу анъананинг давомчиси сифатида ўз ижро талқинини устозларнинг амали билан бойитишга уринган. Мукамал асарларни янги-янги авжлар билан бойитиб ижро этганлигини унинг репертуаридан аниқроқ кўришимиз мумкин. Айниқса, "Чорзарб" мусиқий намунасини янги авжлар тизими билан бойитиб талқин этилгани, ўз вақтида асарнинг ижрочилик амалиётида қайта тикланишига туртки бўлганлиги устозлар томонидан эътироф этилади.

Р.Мамадалиев ижросидаги яна бир жозиба манбаи, унинг мумтоз мусиқа намуналарини турли шоирларнинг ғазаллари билан ижро этишидadir. Жумладан "Самарканд Ушшоғи" куйи асосида еттита ғазал, Ушшоқ (Тошкент) 8 та ғазал билан, "Дугоҳ Ҳусайни", "Чорзарб", "Гирья", "Чоргоҳ"лар гурли ғазаллар билан ижро этилган.

Р.Мамадалиев ўзбек мусиқа меросини бир қатор беназир асарлар билан бойитганлиги ҳам эътиборлидир. Халқ мумтоз

мусиқа анъаналари негизда бунёдга келган асарлар мумтозлиги ва ўзига хослиги билан кадрлидир. Ўзининг ижодий фаолиятида бастакорлик анъанасини давом эттирган санъаткор "Мен кимга дей", "Керма манманлик билан", "Кўзгалмасун" (Ҳазиний, Машраб), "Тасаддуқ ё Расулаллох" (Ҳазиний), "Ҳижрат кил", (Ҳазиний), "Сендан ўзга паноҳим йўқ", "Доғман" (Чархий), "Ажрама" (Чустий), "Соғиндим ман", "Келдик", "Билолмасман" (Мискин), "Кўрмагай" (Чустий), "Ғазалхонлик" (Чустий), "Меҳмонсан" (Хувайдо), "Жудо" (Салохий) каби 20 дан ортиқ асарлар яратишга муяссар бўлган.

Санъаткорнинг ижодий меросини икки улкан шўъбага бўлиш мумкин. Биринчидан, унинг мумтоз ижрочилиги, яъни ўзбек хонандалик санъати ривожига яратган беназир ижро услуби бўлса, иккинчидан улкан уммон ҳисобланган ўзбек мумтоз мустиқа меросига янги асарлар яратиб қолдирганлигидир. Мустиқа санъатининг ижодий жараёнини таянч нуқталаридан ҳисобланган бу икки жаба, ҳар бир ижодкорнинг абадиятга юз тутишида муҳим аҳамият касб этувчи мезонлар сифатида кадрлидир. Дарҳақиқат, ҳар икки шўъба ҳам Расулқори Мамадалиев ижодида мукаммал инъикосини топган. Қолаверса, ижодкорнинг замондошлари, адиблар, мустиқашунослар, хонанда ва созандалар томонидан жуда катта эътибор билан улуғланган. Бу буюкликни нишонаси эса хофизнинг издошлари, тингловчи-мухлислар шараф билан қўллаб келганликларидадир.

Ушбу мезонни ибратлилиги, ҳозирги барча соҳалар ривожланган пайтда ҳам ўз ўрнига эгаллиги ва замонамизга мос ҳолда муносиб ривожлантириб келаётганлигида десак тўғри фикрлаган бўламиз. Зеро, мустиқа санъатининг энг гўзал талқин йўллари доимо мутахассислар ва айниқса мухлис – шинавандалар томонидан баҳоланиб келинади, шоғирдлар томонидан давом эттирилиб, ривожлантириб борилади.

Расулқори Мамадалиевнинг издошлари кўп бўлиб, улардан бири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими марҳум Абдулатиф Холдорев эди. Айниқса, Абдулатиф хофиз Ҳазиний ғазали билан айтиладиган "Фарғона тонг отгунча" ашуласини энг юксак даражада қуйлаганлиги мутахассислар

томонидан ҳам, мухлислар томонидан ҳам эътироф этилган. Абдулатиф аканинг шогирдлари Самижон Қосимов, Мўминжон Имомов, Муҳаммаджон Шералиев, Собитали Худойберганов, Раҳимжон Камоловлар ҳам асли Расулқори ва Комилжон Ҳамроқулов мактабида камол топган бувайдалиқ санъаткорлар саналади.

Замонавий жараёнда албатта, етук санъаткорнинг издошлари ҳам ўзига ўхшаган беназир овозли, истеъдодли ва салобатли бўлиб фаолият олиб бораётганликларини кузатиш мумкин. Замонамизда устознинг беназир ижро услубини давом эттириб, барча жиҳатларини камраб олган ҳолда мукамал ижроларга эришиб халқимиз назарига тушган ва етукликка эришган санъаткорларимиз ҳам кўп. Ўзбекистон халқ артисти Камолиддин Раҳимов, Ўзбекистон халқ хофизлари Маҳмуджон Йўлдошев, Маҳмуджон Тожибоев, Сойибжон Ниёзов, Машрабжон Эрматовларни устознинг ижрочилиқ услубини ўз ижроларида намоён этиб келаётган санъаткорлар деб эътироф этиш мумкин. Расулқори Мамадалиевнинг буюқ хизматларини санъатсевар ва адабиётсевар халқимиз асло унутмайди.

Мумтоз хонандаликда машҳурликка эришган беназир овоз соҳибларининг ижрочилиқ амалларини ўрганиш ва маълум даражада келажак авлодларга тортиқ қилиш ҳар бир санъатшунос ва маданиятшуноснинг бурчидир. Тарих фанлари доктори, адабиётшунос Икромиддин Остонакулов Расулқори Мамадалиевнинг ҳаёти ва ижодий йўли, у камол топган маънавий муҳит ҳақида мухтасар рисола-маноқиб битибди.

Муаллиф замондошлар хотираси ва мавжуд ҳужжатлар асосида буюқ хофиз биографиясини бадиий жиҳатдан тиклашга, ўзбек халқининг истеъдод тарбиясига кўрсатган фидойилигини ифодалашга, инсон иродаси ва ҳаётга муҳаббати неларга қодирлигини кўрсатишга эришган дейиш мумкин. Рисола санъатшунос, адабиётшунос, шунингдек, мусиқа ва санъат ўқув юрглари талабалари учун ўзига хос бир тўхфадир.

Соибжон Бегматов,
санъатшунослик номзоди.

МУНГЛИ БОЛАЛИК

Мусофир бўлмаган ким бор, мухожир бўлмаган ким бор?
Бировнинг шаҳрига бориб, мужобир бўлмаган ким бор?

Халк кўшиғидан

Ўш вилоятининг Сўзок қишлоғи.¹ 1935 йил. Узоқ Сайлгоҳ томондан майин таралиб келаётган кўшиқ оҳанги ёш Расулжоннинг қалбига чанқаганда муздек зилол сув ичгандек хуш ёқар, шикаста кўнгил торлари жимирлар, мурғак юраги оҳанглар ноласидан ўзини кўйгани жой тополмай дук-дук урар эди. Кўшиқ ва унга жўр бўлаётган мусиқа кўзлари кўрмас мунгли болакайни шунчалар ром этган эдики, гўё у билан бирга нафас олар, юрак уриши оҳанг билан бирга қадам ташлар, куй ва сўз сеҳри вужудини қамраган эди. Хатто чуқур, коронғу айвонда хаста ётган бувисининг инграши ҳам, кўрпа ковиб, турмушнинг адоксиз ташвишларидан нолиётган онасининг гап-сўзлари ҳам қулоғига кирмас эди.

Кўшиқ янграган чўлу сахро гулларга бурканган чамандек бўлади деганларидак, болакай қора зулматдан бошқа нарсани тасаввур қила олмаса ҳам, ўзини одамлардан эшитган чаманзорларда юргандек хис этар, сезгир кулоқлари унга ҳаёт лаззатини ҳадя этар эди. Бу ҳол бир марта эмас, бир неча марта такрорланган бўлиб, Расулжон ўша ерга боргиси, кўшиқни яқиндан тинглагиси келар эди... Эшитган ашулаларини хофизларга тақлид қилиб куйлаш иштиёқи юрагининг туб-тубида гувлаб ётарди.

* * *

Болакай тақдирга тан берган, сабрли эди. Тенгдошлари каби мол-қўй боққани қир-адирларга чиқа олмаса ҳам, кўча чангитиб болалар билан ўйнай олмаса ҳам қаттиқ азият чекмас, сабаби бувисининг Аллохнинг иродаси билан кўзи кўрмас бўлиб туғилгани тўғрисидаги гаплари кўнглига таскин берар, таъсирли нақл ва ривоятлар дилини овулар эди.

Тақдири насиб деганларидек, гарчи боланинг кўзлари мунчоқдек қора бўлса-да, кўрмас эди. Шу билан бирга

¹ Қирғизистон Республикаси Ўш вилояти Жалолобод туманидаги қишлоқ.

болакайнинг қадди-қомати келишган, юзлари лўппи, тишлари текис терилган маржондек, овози жарангдор, тили бурро, эшитиш ва ёдда сақлаш қобилияти ғоят кучли эди. Бир марта эшитган гап-сўзни, кишилар исми ва жой номларини, байт ёки тўртликларни ёдида сақлаб қолар, бирор ашулани тингласа ўша дақиқада такрор айта олар, аввал суҳбатлашган одамларнинг исмини овозидан таниб айтиб берар, бир марта ушлаб кўрган нарса-буюмни яна қўлга олса номини айта олар эди.

Бувисининг айтишича, Расулжон сигир йилида душанба куни туғилган экан. Бувиси кўни-кўшни болалардан набирасининг исмини тоқ айтмасликни талаб қилар, "жон" кўшимчасини кўшмай айтишса дошном берар, боланинг хислатли эканлигини доимо таъкидлар эди.

Ўзи эса узун тунлар Расулжон ва унинг укасига эртак ва дostonлар айтиб берар, гоҳ халқ кўшиқларидан хиргойи қиларди. Айниқса, "Алла"ни ажиб бир маромда айтарди. Расулжон алла сеҳрига шу қадар берилар эдики, бу ашула сира ҳам тугамаса, дерди. Буви ногирон набирасига термулиб, қани энди, шунчалик келишган боламнинг кўзи ҳам очик бўлганда, деб ичидан эзилар, аммо Худонинг иродасига бўйсуниб, набирасининг келажагига умид билан қарар эди. Кампир ўғли ва келини билан Жалолободга Қўқон яқинидаги Ултарма депарасидаги Дашт кишлоғидан, қийинчилик ва очарчилик сабабли, мусофир бўлиб келиб қолишган эди.

Қўқондаги 1918 йилги "Қўқон мухторияти"нинг большевиклар томонидан тор-мор этилиши, шаҳарнинг таланиши ва ўт кўйиб, вайрон қилиниши, босмачилик ҳаракатининг авж олиши қимматчилик ва очарчиликни янада кучайтирган, бу ҳол атрофдаги кишлок одамларини баттар қийнаб ташлаган эди. 1924 йили Ўзбекистон Республикаси ташкил этилган бўлса ҳам, ҳаёт яхшиланиб улгурмаган, якка хўжалик тарзида яшашга руҳсат берилганига қарамай, турмуш ночорлик кунжида эди. Шу боис кўп одамлар қаерда тирикчилик қилиш мумкин бўлса, ўша ерга кўчиб кетар эди. Уларнинг оиласи мана шу вайдан Ўшнинг Сўзoқ кишлоғига келиб қолган эди.

Отаси (исми Қўлдошали эди) одамларнинг уйида мардикорчилик қилиб пул топар, онаси сомса ёпиб, чучвара пишириб бозорга олиб чиқиб сотар - шу тариха турмуш кечиришарди. Расулжон мана шу ерда 1927 йили туғилганди.

Ёш Расулжонларнинг ховлиси "Зиёратгоҳ"га яқин бўлиб, қишлоқдаги бошқа иморатлар катори пастқам, зуволакесакдан тикланган, бир уй ва бир даҳлиздан иборат бўлиб, олди айвонли, кунгай қилиб қурилган эди. Уй деворининг айрим жойлари нураб тушгани унинг 2-3 йилдан бери қоровсиз ётганидан дарак бериб турарди.

Айвоннинг чап томонида ўчоқ бўлиб, мўриси девор ичидан чиқарилган. Ўчоқ ёнида токчаси ҳам бор бўлиб, унга қозон гўнтариб қўйилган. Ўчоқ ичига қорақумғон қўйилган, олов ёниб суви шарақлаб қайнаб турибди. Ўчоқнинг олд томонидаги девор учбурчак шаклида қурилган бўлиб, бирмунча жойи қорайиб кетган. Айвоннинг чети кесакдевор билан давом эттирилган, деворга қадалиб тандир қурилган. Тандир тагидаги уйчанинг олди ёғоч чўплар билан тўсиқ қилиб қўйилган. У товук учун катак вазифасини бажаради. Аммо, унда анчадан бери товук боқилмаганлиги билиниб турарди. Девор кесаклари бўртган, ўйдим-чуқур бўлиб, сувалмаган. Ховлидаги беш-олти туп узум учун сўриток қилинган. Унинг занглари, офтоб ва қор-ёмғир туфайли бўлса керак, қорайиб кетган.

Ёзнинг бошлари эди. Ишқомдаги узумлар чумак уриб қолган. Узум барглари ховли саҳнига ола-була қўланка солиб туради. Ховли билан чорбоғ ўртасида ўз ҳолича ўсиб чиққан бир неча туп супургилар одамбўйи бўлиб қолган. Чорбоғдаги буғдойдан бўшаган ерга экилган маккажўхори эндигина тиззабўйи бўлган. Чорбоғ қўшнилари чорбоғидан катор қилиб экилган терак ва тутлар билан чегараланиб турарди.

Қишлоқ аҳолиси асосан, дехқончилик ва чорвачилик билан шуғулланади. Шу билан бирга зиёратгоҳга келган меҳмонларга ҳам хизмат кўрсатишар, узоқ жойлардан келган зиёратчилар тунаб қолишни истасалар, уйларида жой ҳам бериб туришар эди. Қишлоқ болалари мол-қўйларни боқишда ота-оналарига ёрдам бериб, зиёратгоҳ атрофидаги қир-адирларда ўйнашарди. Умуман олганда, 30-йиллардаги моддий

ва маънавий қийинчиликларга қарамай, бу қишлоқда ҳам ҳаёт ўз маромида давом этар эди.

* * *

Одатий кунларнинг бирида яна сайлгоҳ тарафдан қўшиқ овози келди. Яна ўша ҳаяжон, яна ўша юракни ҳаққиртирувчи ҳолат. Ниҳоят қўшиқ ва мусиқа ижроси тугади. Расулжон энди шу қўшиқни куйлаган ҳофизнинг, чолғу асбобларини чалган сеҳрли созандаларнинг кимлигини билгиси келди. Қани энди, қаноти бўлсаю, учиб бориб, улар билан суҳбат курса...

* * *

Расулжоннинг онаси оқ-сарикдан келган, камсукум, озгингина, меҳнаткаш жувон бўлиб, исми Бумайрам эди. Асосан, дала ишлари билан шуғулланар, баъзан сомса ёпиб, манти ёки чучвара пишириб сайлгоҳга олиб чиқиб сотиб келарди, уй юмушлари билан шуғулланар эди. Муштипар она иккинчи ўғли Ҳосилжонни туққандан кейин касалга чалиниб қолди. Бунинг устига эрининг пул топиши ҳам дуруст эмасди. Ота тирикчилик билан доим банд бўлар, ҳафталаб уйга келмас, келганда ҳам рўзғор ишларидан бўшамас, ўғли билан етарли суҳбатлаша олмас эди.

Кунлардан бир куни қишлоқдаги бегона бир кишининг иморатида ишлаётган эди. Уй эгасидан оиладан хабар олиб келиш баҳонасида бир оз пул олди. Йўл-йўлакай сайлгоҳдаги бозордан бир қадок гўшт (400 грамм), қанд-курс харид қилиб ҳовлига кириб келди. Кўча эшиқдан киришда томоқ кириб йўталиб қўйди. Буни эшитган Расулжон овоз келган томон чопиб юборди. Бахтга қарши йўлда ётган ўтин-тўнғакка оёғи тегиб, йиқилиб тушди.

Ерга боши, қўли, тиззалари қаттиқ тушиб, чинқириб йиғлаб юборди. Бу ҳол меҳнатдан хориб келган отасининг юрак бағрини эзиб юборди. Болани даст кўтариб, овутишга тушди. Ширинликларни қўлига тутқазиб:

- Ҳеч нарса қилмади, йиғлама, ўғлим, - деди.

Қани энди, қўлидан келсаю бутун борини, ҳатто жонини бериб бўлса-да боласининг қўзини очса. Осмон йирок, ер -

каттиқ. Эртасига отаси яна ишга кетди. Онаси бечора беморлигича ётибди. Бувиси овқат қилиш, нон ёпиш, уй-ховлини супуриш билан овора. Расулжон сайлгоҳ томонга боргиси келар, аммо олиб борадиган хамроҳ йўқ. Секин-аста пайпасланиб кўча эшиги томон юрди. Кеча йиқилганда ўнг тиззаси ёмон лат еган шекилли, зиркираб оғрир эди. Эшикнинг чап томонига деворга яқин қилиб тол ғўласи ўрнаштириб қўйилган бўлиб, у ўриндик вазифасини бажарарди. Ожиз бола қўллари билан тахминлаб ўриндикни топиб, ўрнашиб ўтириб олди.

Бахтли тасодифни қарангки, сайлгоҳ томондан яна куй-кўшиқ овози кела бошлади. Тингшаб қулоқ солса, бугунги кўшиқ аввал эшитган кўшиқлардан бошқача. Радиокарнайдан ёки бувиси айтгандек, патифондан эмас, одамлар орасида кимдир жонли овозда берилиб куйлаётгандек эди. "Бу қандай сир бўлдийкин?" - ўзига ўзи савол берарди Расулжон. Жавоб топишга эса болалик ақли ожизлик қиларди.

Шундай қилиб, бошланган кўшиқ поёнига етди. Бир неча дақиқа ўтгач, янгиси бошланди. Бунисини болакай аввал ҳам эшитгандай бўлганди. Овози, оҳанги ва айрим сўзлари таниш. Эслади: онаси билан чучвара пишириб бозорга олиб чиқишганда патифондан эшитган эди. Энди эса ўша ашулани хофизнинг ўзи шу ерга келиб одамлар орасида куйлаётган бўлса керак. У яна кўшиқ сеҳрига берилиб оламни унутди. Одатда Расулжон ўз кадрдон ўриндиғида ўтириб кўчадан ўтаётганларнинг эркакми, аёлми, кексами, ёш болами, ёлғизми ёки икки кишими - шарпасидан била оларди. Бугун эса қўшниси, бир уй нарида турадиган тенгкур ўртоғи Мансуржон ёнгинасига келиб қолганини сезмабди.

- Ҳа, ошна, жойлашиб олиб ўтирибсизми? - деди Мансуржон меҳрибонлик билан. Расулжон сергак тортиб:

- Келинг, ўтиринг ё сайлгоҳга кетяпсизми? - деб сўради.

- Йўқ, - деди Мансуржон, - сайлга боришга вақт йўқ, энам мол-қўй етмаганидек, саккизта товук ҳам олиб берди, боқасан деб. Мансуржон қўлидаги қалтакни ерга бир-икки марта уриб қўйди.

- Қўлингиздаги нима, қалтакми?

- Ха, Каримбуванинг қўрасидан суғуриб олдим.
- Сиздан бир илтимосим бор.
- Нима экан?
- Мени ҳам сайлгоҳга олиб борсангиз.
- Сўқмоқдан бораверамизми?
- Сўқмоқ текисми, ёки ўйдим-чуқур?
- Бир-икки жойда ариқчаси бор.
- Катта эмасми?
- Йўк.
- Ундок бўлса, борамиз, бувимга айтиб қўяй.

Расулжон кўча эшикдан бир-икки қадам ҳовли томонга юриб:

- Буви, буви, мен Мансуржон билан сайлгоҳга кетяпман. Хавотир олманг, - деди баланд овоз билан. Бувисининг:
 - Эҳтиёт бўлинглар, тезроқ қайтинглар, - деган овози эшитилди.

Икки дўст йўлга тушишди. Табиатан шумроқ Мансуржон кўлидаги калтакни кўзда тутиб:

- Отни ўзим миниб кетаверайми, ёки мингашиб оламизми? Сиз пиёда кетаверинг - деди. Расулжон:
 - Сиз отни миниб олинг, мен думидан ушлаб оламан, - хозиржавоблик билан.

Болакай сайлгоҳга кетаётганидан хурсанд, у дўстининг кайфиятини яна-да кўтаргиси келарди.

- Мансуржон, сизни бўйингиз новчами, меңикими?
 - Расулжон, иккаламизнинг бўйимиз баробар, аммо сизнинг қорнингиз меникидан каттароқ.

- Йўғэ, Мансуржон, унақа эмасдир, бўлмаса ушлашиб кўрайлик-чи.

Бунга жавобан Мансуржон:

- Йўк, менинг қорнимда қитиғим бор, ушлатмайман, - деди қикирлаб.

Шундай ҳазил-хузур билан сўқмоқнинг бурилиш жойига етиб келишганини ҳам сезмай қолишди. Мансуржон гап бошлади:

- Энди сўқмоқдан ёнма ён юрсак йўлга сиғмай қоламиз, Расулжон, сиз калтакнинг уч томонини ушлаб оласиз, орқама-олдин бўлиб кетамиз.

- Айтмоқчи, ариқчалар бор деган эдингиз, - эслатди Расулжон.

- Ариқчага келганда калтакни кимирлатиб кўяман, сиз сакрайсиз. Мансуржон калтакни кимирлатиб "Ариқча" дейиши билан Расулжон бир сакраб кўяди. Бу хол бир неча марта такрорланди. Мансуржон кулгидан ўзини зўрға тиярди. Буни қори бола сезиб қолдию ўзини сезмаганга олди. Мансуржон яна "Ариқча" деган эди, Расулжон сакрамай секин оёғини олдинга судраб-судраб юриб кўрди. Ҳеч қандай чуқурлик йўқ эди. Мансуржон роса мириқиб кулиб олди, унга кўшилиб Расулжон ҳам.

- Ҳазил қилдим, ўртоқ, Расулжон сайлга борганда кийналмасин, деб Мелибой шолчапуруш бува ҳамма ариқчаларни текислаб қўйибди, - деди Мансуржон самимият билан.

Нихоят улар сайлгоҳга етиб келишди. Мансуржон қараса, сайлгоҳ бугун томоман бошқача тусда. Катор шийпончаларнинг бари одамлар билан банд. Катта шийпон остидаги баланд сўрида йигирмага яқин киши ўтирибди. Энг тўрида ўтирган кишининг тагига қават-қават кўрпача солинган. У келишган, гавдали, юзидан нур ёғилиб турадиган мўйсафид бўлиб, одамларнинг хурмат-эътиборидан унинг мўътабар киши эканлигини сезиш қийин эмас эди. Ёнида хизмат қилиб юрган кишилар унга "Таксир" деб мурожат қилишарди. Бу киши Марғилон яқинидаги Ёзёвон кишлоғидан зиёратга келган Юсуфхонтўра эди. У асосан дехқончилик ва полизчилик билан шуғулланар, фарзандлари, яқинлари билан қовун етиштирар эди. Юсуфхонтўра кошғарлик Офокхожа авлодидан бўлиб, унинг Андижон, Марғилон ва атрофдаги кишлоқлардан мухлислари бор эди.

Юсуфхонтўра ҳафтанинг жума кунларини Марғилонда ўтказар, марғилонлик савдогар, хунарманд ва санъаткор дўстлари жуда кўп эди. Улар билан "Турғун қарис"нинг чойхонасида мунтазам улфатчилик қилар эди. Яхши кунларнинг бирида жўралар бир галги улфатчиликни Жалолободдаги Ҳазрати Аййуб зиёратгоҳида уқштиришга қарор қилишган эди. Ёш мусофирлар мана шу зиёфат устидан чикиб қолишди. Бирдан Юсуфхонтўранинг кўзи икки болага

тушди. Уларнинг бири иккинчисини етаклаб олганди. Бакалок бола тез-тез юқорига қараб қўяр, кўзларини ғайриоддий пирпиратар эди. Юсуфхонтўра сездики, унинг кўзи ожиз. Улфатлар орасидаги бир киши патифон мурватини бураб, қўшиқ кўйди. Юсуфхонтўра кўзи ожиз бола қўшиқни жуда берилиб тинглаётганини, ёнидаги ўртоғи бир нарсалар деса ҳам қўшиққа бутун эътиборини қаратганлигини сезиб қолди. Ёнидаги кишига чойдан бўшаган пиёлани унга узатаркан:

- Бу болаларни дастурхонга таклиф қилсак бўлар экан, - деди.

ИЛК ИЖРО, ИЛК ЭЪТИРОФ

Бир киши келиб, шўрва пишиб қолгани, қачон куйиб келиш мумкинлигини Юсуфхонтўрадан сўради. У майли деди. Тўрадада болаларни даврага олиб келишларини буюрди. Бир киши Мансуржонни хузурига чақирди. Мансуржон дўстига таклифни тушунтирди. Ниҳоят улар сўрига - катталар ёнига кўтарилишди. Одоб билан салом беришди. Болалар айтилган жойга ўрнашиб олишгач, Юсуфхонтўра дуо қилди. Сўнг меҳрибонлик билан:

- Болалар, сизлар шу ерликсизлар, юртларингиз жуда ажойиб жой-да, бу ерга келаман деб орзу қилганлар қанча. Сайлгоҳ жуда табаррук жой. Қани, дастурхонга қаранглар, сиз ўғлим, нонлардан, ширинликлардан олинг, ўртоғингизга ҳам олиб беринг, - деди Мансуржонга қараб.

- Исмларингизни ҳам айтмадингизлар, - деди яна Юсуфхонтўра Мансуржонга юзланиб.

- Менинг отим - Мансуржон, ўртоғимнинг оти - Расулжон, - жавоб берди болакай. Ўртоғим ашулага жуда кизиқади. Сизлар ҳозир қўйган патифондаги ашулани ҳам айта олади.

- Яхши, шўрвани ичиб олайлик, кейин ўртоғингиздан ашула эшитамиз, - деди отахон. Бу гапларни тинглаб турган Расулжон:

- Таксир, патифонни яна қўясизларми? - деди бурро-бурро тил билан.

Юсуфхонтўра боланинг катталардек "Таксир" деб мурожат

килишидан таъсирланиб, кулиб қўйди. Шу орада шўрвани дастурхонга тортишдан аввал обдаста ва чилобчин олиб келишиб, қўллар навбати билан ювилди. Болалар:

- Биз ўйнаб келайлик, кетишга рухсат беринг, патифон қўйганларингда келамиз, - дейишди. Юсуфхонтўра:

- Кетишларингга ҳеч қандай рухсат йўқ, шўрвани биргаликда ичиб оламиз, сўнг патифонни қўйиб, ашула эштамиз, - деди.

Дастурхонга рохатихон шўрва тортилди. Ҳамма маза қилиб ичди. Бу орада улфатлар орасида аския бошланиб кетди. Болалар ўзларини анча эркин ҳис эта бошлашди. Жўралардан бири:

- Таксир, чой олиб келайми? - деб сўради.

Юсуфхонтўра:

- Шўрвадан кейин ҳам чой ичадимки киши, чойни Ўзганнинг девзира гуручига бўлган паловхонтўрани егандан кейин ичамиз, - деди. Одамлар гур этиб кулиб юборишди.

Улфатлардан бири:

- Таксир, бу Ортиқбойингизни бир қилиғи ортиқ, у шўрвадан кейин ҳам икки чойнак чой ичади, - деди. Яна кулишди. Ниҳоят Юсуфхонтўра ёнидаги кишига:

- Энди патифонни айлантинг, бояги "Ушшоқ"ни яна бир эшитиб, маза қилайлик. Болалар ҳам эшитиб хурсанд бўлсин, - деди.

Граммафон орқали машҳур Мулла Тўйчи хофиз ижро этган "Қаро кўзум, қелу мардумлиғ эмди фан қилғил" мисраси билан бошланадиган "Ушшоқ" янгради. Мансуржон катталарнинг ашула тинглашини кузата бошлади. Ҳамма ашула оҳангига мос равишда худди мевали дарахт шабодада тебрангандек тебранар, кўзларини юмиб олишган эди. Расулжон эса нафас олмай, киприк қокмай тинглар, ўнг қўлини қовоқлари устига қўйиб олган эди. Ниҳоят ашула тугади. Юсуфхонтўра: - О, барака топ, отангга раҳмат, - деди. Бошқалар ҳам ўз хиссиётларини баён этишди. Атрофда енгил ғала-ғавур бошланди. Кимдир хофизни мақтаса, кимдир, "мошина-қўшиқ"ни ясаган ихтирочини олқишлади. Кимдир "Кўрсатганингга шукур" деб қўйди. Ғала-ғовур босилиб, орага жимлик чўқди. Юсуфхонтўра:

- Расулжон ўғлим, сизга ҳам қўшиқ ёкдими? - деб сўради. Орага сукунат чўкди.

Кори бола:

- Раҳмат, тўрахондада, жуда манзур бўлди.

- "Ушшок"ни илгари ҳам эшитганмисиз? - сўради Юсуфхон тақсир.

- Ҳа, эшитганман, аммо уйда ўтириб сайлгоҳда айтилганини тинглаганман. Яқиндан биринчи марта эшитишим, - деди Расулжон.

- Ўзингиз ҳам бирор ашула айтиб бера оласизми? - сўради отахон.

- Айбга буюрмасангиз, билганимча айтаман, - деди Расулжон тавозе билан. Кимдир кичикрок патнусдаги ширинликларни дастурхонга тўкиб, артиб-нетиб, сўнг уни Расулжоннинг қўлига тутқазди.

Бола патнусни қўлига олиб, бир-икки чертгандай бўлди. Ўз хаяжонини босиб олиш учун ўрнашиброқ ўтириб олди. Иккиланмасдан ҳозиргина эшитган ашуласини ижро этишга қарор қилиб, патнусни бармоғи билан чертиб, усул бера бошлади. Даврадагиларнинг вужуди қулоққа айланганди. Қўшиқ бошланди. Боланинг қўнғироқдек, ширали, ёқимли овози бор эди. Тингловчилар бу ашулани ҳозиргина патифон орқали эшитишган бўлсалар ҳам жонли ижрога, мурғак санъаткорнинг ўзига хос қочиримларига, сўзларни ўзига хос талаффуз этишига, усулу вазндан чиқиб кетмаслигига, авж пардага қийинчиликсиз чиқа олганига маҳлиё бўлиб қолишган эди. Айрим кишилар йиғлаб, кўзларини дастрўмол билан артиб ўтиришарди. Расулжон ижрони тугатди. Даврадагилар: "Баракалла", "Отанга раҳмат", "Кўп яша" деб миннатдорчилик билдиришди.

Бир киши:

- Тақсир, Худо бизларга яна бир ҳофизни тақдим этибди, овозни, одобни қаранг. Зехни айтмайсизми, бир-икки марта эшитган ғазални тўлиқ ёдда сақлаб, маромига етказиб куйлагани-чи, - деди Расулжонга ҳавас билан.

Унинг ёнида ўтирган киши:

- Тўрамнинг назарлари бежиз бу болаларга тушмаган экан. Келажакда бу бола катта ҳофиз бўлади. Тўрам, шу қори

йигитчага бахт-саодат, омад тилаб, бир дуо қилинг, - деди илтижо билан. Юсуфхонтўра ҳам шу ниятни дилига тугиб ўтирган чоғи, узундан-узун дуо қилди. Жўралар қўлларини кўтариб "Омин" дейишди.²

Шундан кейин Юсуфхонтўра Расулжондан ота-онаси, уларнинг касб-кори, турар жойи ҳақида сўраб-суриштирди. Уни Марғилонга боришга таклиф қилди. Марғилон санъаткорлар, санъатсеварлар юрти эканлигини, Расулжон каби истеъдодлар у ерга борса, устоз ҳам топилиши, халқ ўртасида мухлис ва кадр топиши мумкинлигини таъкидлади. Энг муҳими - агар Марғилонга борса, албатта ёрдам беришини, ўзини қаердан ва ким орқали топиши мумкинлигини ҳам уқтирди. Бир кийикчага нон, ширинликлар, мева-чевалар солиб, тугиб болаларга беришди, ота-оналарига олиб боришни тайинлашди. Расулжон билан Мансуржон жуда хурсанд ҳолда уйларига қайтишди.

* * *

Ёш Расулжон Марғилон деган юрт ҳақида мана шу ўзи мусофир юртда туғилган қишлоқда эшитган эди. Пешиндан кейин уйга қайтиб келгач, сайлгоҳда бўлиб ўтган воқеаларни бувиси ва онасига айтиб берди. Катталар олдида айтган ўша ашуласини қўйлаб берди. Бетоб ётган онасининг қувончдан кўзлари ёшланди. Бувиси ҳам боласининг келажақда рўшнолик кўришини Худодан сўраб узок, сидкидилдан дуо қилди. Набирасига яхшилик соғинган Юсуфхонтўра исмли нотаниш кишининг ҳаққига ҳам дуо қилди. Бошини силаб: - Сени

²Ўзбек халқида кўзи тутма ожиз эркак кишини қори, аёл кишини қорни дейиш одати бор. Асли қорий сифати Қуръонни ёд олган, ёддан қироат қила оладиган кишига нисбатан ишлатилади. Кўзи ожиз кишиларнинг эслаб қолиш қобилияти юқори бўлади. Назаримизда хонликлар давридаги қорихоналарда кўзи кўрмас болаларга Қуръон ёдлатиш анъанага айланган. Биринчидан, бунда кўрмас кишиларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларни нон-насибали қилиш кўзда тутилган бўлса, иккинчидан, уларнинг эҳиддан унумли фойдаланиш кўзда тутилган. Қорихоналарда мураттаб қори, ҳофиз Қуръон бўлган бундай кишилар юртимизнинг турли худудларига ёйилиб мухлислар орттирганлар. Бора-бора Қуръон ёдламаган кўрмас кишилар ашула айтувчи ҳофиз бўлсалар уларни қори дейиш таомилга айланиб қолган. Ўзбеклар ҳар қандай кўзи ожиз кишиларнинг қўнглини кўтариш учун "қори" деб муружат қилаверадди.

албатта, Марғилонга олиб бораман, у ерда қариндошларимиз бор, таништириб қўяман, - деб ваъда берди.

Шу кундан бошлаб Расулжоннинг кўнглида кўшиқ айтишга ҳавас ортиб борди. Юрса-турса хиргойи қилади. Оҳангларга янгича усул беради. Сўзлар маъносини билишга кизиқиб бувисидан, гоҳ онасидан сўрайди. Фикри-ёди ашулачи бўлиш, қани энди қаноти бўлсаю учиб Марғилонга борса, устоз топиб, ундан ашулачилик сирларини ўрганса, кўшиқчи бўлиб эл-юртга хизмат қилса.

* * *

Шу ўринда биров чекиниш қилиб Расулжоннинг Юсуфхонтўра билан кейинчалик қайта учрашиши, уларнинг ота-ўғил тутиниб, оилавий борди-келди қилишлари, Юсуфхонтўранинг Расул қори ижодига маънавий таъсири ҳақида икки оғиз сўз айтамыз.

Ўша учрашувдан анча вақт ўтиб, Расулжон бувиси билан Марғилонга келади. Юсуфхонтўра уни санъат аҳли билан таништиради. Улардан Расулжон кўпгина кўшиқларни ўрганади. Қўлига танбур олиб чалишни машқ қилади.

Юсуфхонтўра Расулжонни Марғилондаги кўплаб санъаткорлар билан таништиради. Кейинчалик бу санъаткорларнинг бир гуруҳи Тошкентга, Янгийўл театрига ишга таклиф этилади. Бу ерда Расулжон ҳам 1942 йил охиригача - Иккинчи жаҳон уруши авж олган давргача фаолият юритади. Бу воқеалар ҳақида навбати билан ҳикоя қиламыз. Қисқаси, Расул қори ўзининг илк мухлиси, назаркарда инсон Юсуфхонтўрани бир умр унутмади. Доврукли ҳофиз бўлиб танилганда ҳам унинг хонадонига, тўй-маъракасига бориб турди. Юсуфхонтўра дору-л фанодан дору-л бакога риҳлат қилганда "Тўрам таксир" номли марсия ёзди. Энди маълум бўлмоқдаки, Расул қори ҳофизгина эмас, балки аруз вазнида яхшигина ғазаллар битган шоир ҳам бўлган. Марсияни Расул қори ўзи ўқиб магнит тасмасига ёзиб қолдирган.

МАРСИЯИ ХОЖА ЮСУФХОН ТЎРАМ

Дариғо, алвидо, хожа Юсуфхон тўрам тақсир,
Нечукким манзилингиз бўлди сахрои адам, тақсир.

Бақо мулкиға рихлат қилдингиз бизларни доғ айлаб,
Нетармиз - бу мусибат сизга тақдири қалам, тақсир.

Этиб дилхаста ёру дўсту хешу ақраболарни
Заифу нотавон этмиш букиб қаддини ғам, тақсир.

Жудолиғ ўтиға тоқат қилолмай, ўртаниб йиғлаб,
Фироқингизда доим дил фиғору кўзда нам, тақсир.

Бўлиб гирён вафотингиз эслашиб суҳбаторолар
Яқосин чок этиб ҳар дам чекар оху надам, тақсир.

Бу фоний дуняда хижронингиз дардини чекканни
Кўлидан келса ўрнингизга ул жон берса кам, тақсир.

Закийлар, нуктадонлар суҳбатин шайдоси эрдингиз,
Фазилат, маърифатпарварлиғ эрди сизда жам, тақсир.

Шарифи зотингиз олимақом, авлоди пайғамбар,
Отингиз аҳли саййид ўртасинда муҳтарам, тақсир.

Умидим шулки, Маҳшарда сиза мен ҳам қарийб ўлсам,
Деб эрдингиз ўғилларни қаторида болам, тақсир.

Эрур сиздан нишон Султонмуродхон бирла Мақсудхон,
Яна қардошу қондош хожа Аҳмадхон акам, тақсир.

Ўқиб марсия дилдан арзу ихлосимни арз этсам,
Нетонг гар руҳингиз қилса менга лутфу карам, тақсир.

Мени - осий Расул қорийни Тонгла илтифот айлаб,
Ки шояд сиз туфайли мағфират қилса Эгам, тақсир.

АШУЛА МУЗДИГА - БУЗОҚЧА

Сўзоқ қишлоғи Жалолобод шаҳридан унчалик узоқ эмасди. Расулжоннинг ота-онаси Жалолободгача поездда келишган. Бу шаҳар бошқа жойларга қараганда тезроқ ободлашаётган, аҳоли сони кўпайиб, бозори кенгайиб, савдо-сотик кучайиб борар эди. Бу ерда "Ҳазрати Аййуб қадамжойи" зиёратгоҳи бўлиб, одамлар унга зиёрат учун узоқ-яқиндан келиб туришар, унинг атрофида бозор, дўконлар, устахоналар, бир неча чойхона, ошхона ва нонвойхоналар ишлаб турар, кенгликдаги сайлгоҳда дорбозлар ўйини, томошалар, хофизлар концертлари бўлиб турарди.

(Бу шаҳар темир йўл орқали Ўзбекистон ва Тожикистоннинг sanoat шаҳарлари билан, шунингдек, Қирғизистоннинг Бишкек, Ўш, Қорасув, Кўкөнғок шаҳарлари билан боғланган. Жалолобод станцияси вилоятни марказ билан боғловчи муҳим манзилгоҳ эди. У 1877 йили шаҳар мақомини олган, 1927 йили темир йўл шарофати билан янада кенгайиб республиканинг sanoat ва маданият шаҳри даражасига кўтарилган. 1990 йилда Жалолобод вилояти ташкил этилгандан сўнг вилоятнинг маъмурий марказига айлантирилди. Шўро даврида "Москва - Жалолобод", "Жалолобод - Москва" темир йўли йўналишида поездлар катнови йўлга қўйилган. Шаҳарда аэропорт бор. Бир неча олий ўқув юрлари, катор мактаблар, театр ва музей, мусиқа ва санъат билим юрти ишлаб турибди. Шаҳар яқинида бальнеологик курорт фаолият кўрсатиб туради). Албатта, 30-йилларда шаҳар бугунгидан кўра кичик эди.

Дўсти Мансуржон бир куни гап топиб келди: Москвадан Тошкент орқали Жалолободга поезд келар экан. Поездни кутиб олишга бутун халқ тўпланар экан. Раҳбарлар, ишчи-деҳқонлар иштирокида митинг ва катта сайл бўлар эмиш.

Расулжон бувиси, онаси ва Мансуржон билан сайлгоҳга боришди. Ўзбек, рус, қирғиз ва бошқа миллат вакилларидан иборат кўпминг кишилиқ митинг бошланди. Раҳбарлар "Москва - Жалолобод" рейсининг очилиши халқ ҳаётида катта ҳодиса эканлигини роса мақташди. Юк ва пассажир

поездлари энди мунтазам қатнаши, одамлар бутун мамлакат шаҳарларига, марказга иш билан ва ўқиш учун бориши мумкинлиги, одамларнинг узоғи яқин бўлганлиги, юк ташиш, савдо ривожланиши ҳақида тўлқинланиб гапиришди. Куй-қўшиқлар янгради. Санъаткорлар турли тилларда қўшиқ айтишди. Роса катта байрам бўлди.

Расулжон ҳам одамларнинг кўплиги, хурсандчиликни қалбан хис этарди. Сайлгоҳнинг аллақасерида граммофондан ўзбекча қўшиқ янгради. Расулжон бувиси билан онасини тортқилаб ўша ерга боришга ундади. Улар ашула қўйилаётган жойга яқинлашишди. Одамлар граммофон атрофини ўраб олган эдилар. Шунда Расулжон одамларга қарата: - Эй халойиқ, агар менга ҳозир қўйилган ашулани такрор қўйиб берсангиз, мен қайтариб сизларга куйлаб бераман, - деди.

Одамлар кўзи ожиз боланинг бундай дадил сўзлашига хайрон қолишди. Кимдир граммофон эгасидан ашулани қўйиб беришни сўради. Расулжоннинг талаби бажо келтирилди. Ашула тамом бўлгандан кейин халойиқ жимиб қолди. Расулжон ашулани қайтариб куйлай бошлади. Одамлар ёқа ушлаб қолди. Ҳамма ёш ҳофизни олқишлаб, қарсақ чалиб юборди. Ундан яна бошқа ашулани айтиб беришни илтимос қилишди. Расулжон билган ашулаларини бирин-кетин куйлади. Бу орада одамлар унинг оёғи остига танга соча бошладилар. Бувиси севиниб кетиб қийиқча ёзиб пулларни унга сола бошлади. Ашула давомида жуда кўп пул йиғилиб қолди. Одамлар раҳмат айтиб тарқалишди. Бувиси пулларни қийиқчага тугди, уйга қайтишди. Йўлда бозордан мева-чева, канд курс, ул-бул харид қилишди.

Бувиси билан онаси пулларни санашганда битта бузук сотиб олса бўладиган миқдорда пул бор экан. Орадан бир неча кун ўтиб отаси бозордан яхши ниятда ғунажин бузук сотиб олиб келди. Онаси бузоқчани меҳр билан парваришлай бошлади, чунки келгусида уни боқиб сигир қилиб олишни ният қилган эди.

Кунлардан бир куни бузоқча уйлардан анча узоққа ўтлаб кетиб қолади. Онаси бузоқни ахтариб, асп вақтигача ҳам топа

олмайди. Эхтимол, тўқайзорга кириб кетгандир, деган ўй билан у бутазорлар орасига кириб бузокни излай кетади. Қалин бутазорни айланиб ўтишга вақтини кизганиб, орасидан ўтмокчи бўлди. Бир амаллаб ўтиб олдию сийрак дарахтлар орасига чиққанда ҳолсизланиб ўтириб қолди. Ҳов нарида бузоқча ҳеч нарсадан беҳабар ўтлаб юрар эди. У бузоғи тушмагурни топганига севиниб уни олдига солиб уй томон ҳайдаб келди. Бузоқни жойига боғлади. Бет-қўлини ювиб уйга кириб ўтирганда алланечук ўзини ёмон сеза бошлади. Бувиси "Бузоқни излаб-излаб чарчагансиз, дам олсангиз тузалиб кетасиз", - деб далда берди. Аммо эртасига онаси яна кучсизлана бошлади. Шунда кампир келини "Нарсаланиб қолибди" деган хулосага келди. Унинг фикрича, қалин бутазор ичидан ўтаётганда жин-пин теккан ёки қаттиқ кўркқан бўлса керак. Расулжоннинг онаси ўша кунги воқеадан кейин касалга чалиниб, иштаҳаси йўқолди, боши мунтазам оғрийдиган бўлиб қолади.

ЖУДОЛИК

Бу фоний дунёнинг беш кун даврони
Кўз очиб юмгунча ўтар, Гўрўғли.
Қочолмайсан - бир кун ажал нишони
Келиб томогиндан тутар, Гўрўғли.

Бу ёлғончи бозор очик айвондир,
Келган - кетар, бу бир бузуқ макондир,
На хожадир, на саиддир, на хондир
Бир кун барчасини ютар, Гўрўғли.

Юнус айтар: бу дунёга келгансан,
Ёлғончининг пучлигини билгансан,
Онадан туғилиб, шу кун ўлгансан,
Дунё бевафодир - ўтар, Гўрўғли.

Касалманд онаизор Расулжонни тез-тез ёнига чақирар,
қулоқларига дармонсиз овозда бир нарсаларни шивирлар,

аммо болакай унинг сўзларини англай олмасди. Муштипар она эса боласининг қўлларини ушлаб узоқ вақт қўйиб юбормас эди. Кунлар ўтиб касали оғирлашиб, томоғидан ширкираган овоз эшитиларди. Бувиси келини ёнига келиб сув ичиргандек бўларди. Расулжонга ташқарига чиқиб, чорбоғда ишлаётган отасини чакиришни буюрди.

Отаси тезда етиб келди. Бувисининг унга "Бор, қўни-қўшни, қариндошларга хабар бер" деган сўзлари маъносини англай олмади. Бироз вақт ўтиб ховлига одамлар кириб кела бошлашди. Йиғи-сиғи бошланиб кетди. Бири "Вой жигарим" деб йиғласа, бири "Шўрлик, дунёга келиб нима кўрдинг" дерди. Кимдир "Ўн гулидан бир гули очилмай, хазон бўлган жигарим" деб хасрат чекарди. Баъзилари Расулжонни кучоқлаб "Етим қолдинг бечора, бардам бўлгин" деб далда берар эди. Шундагина Расулжон онасининг вафот этганини англаб етди.

Бола онаси ётган ерга ўзини отиб, унинг совиган вужудини кучоқлаб, дод-фарёд солиб, қўли билан пайпаслаб онасининг бошини топиб, юзларини қўйиб йиғлади. Сездики, онасининг боши ияги билан қўшиб дурра билан боғлаб қўйилган. Кўзларидан оққан ёш онасининг бошидаги дуррани хўл қилиб юборган эди. Кимдир келиб "Юр" деб йиғламсираб қўлтиғидан кўтариб ташқарига олиб чикди. Бу бечора бувиси экан. Кампир сандикни очиб ичидан ниманидир олди-да, Расулжонга кийгизди. Бу тўн эди. Бувиси тўннинг устидан белига кийикча боғлаб қўйди.

Кампир: "Расулжон, сен ҳам овозингни чиқариб, "Мени ташлаб қайга кетдингиз, вой онам", "Яхши кунларни кўрмай армонда кетган, вой онам", "Бизни етим қилиб қайларга кетдингиз, онам", "Жойингиз жаннатда бўлсин, онам" деб йиғлагин деб уқтирди. Ховлига одам йиғилди. Келганлар отаси билан кўришганда йиғлаб, сўнг Расулжон билан кўришганда баттар уввос солишар эди. Мархумани қабристонга олиб кетишаётганда отаси Расулжонни етаклаб олди. Расулжоннинг йиғи сўзлари эшитганларнинг дилини ўртаб юборар эди.

Эрта-индинисига таниш-билишлар уларнинг уйига таъзия билдириш учун келиб, фотиҳа ўқиб кетишди. Бу хол 20 кунча давом этди. Расулжон фотиҳачилар томонидан ўқилган

Куръони карим суралари оҳангига махлиё бўлар, рухиятида алланечук ўзгаришлар юз бераётганини сезар эди.

Кечқурун у бувисига "Нега одамлар ўлгандан сўнг фотиҳа ўқишади, бунинг қандай фойдаси бор?" деб савол берди. Бувиси қўлидан келганича жавоб бериб, кичик сураларни кироат қилиб, унинг ёдлаб олишига кўмаклаша бошлади. Онасининг таъзия маросимлари тугагунча у Худо, жаннат, дўзах, нуноҳ, савоб, охират, банда, бандачилик, арвоҳ, фотиҳа каби тушунчалар маъносини билиб олади. Яхши ниятда боқилаётган бузоқ сотилиб, пули маърака учун сарфланди.

Марҳуманинг худойисини ўтказишгандан сўнг, отаси яна ишга тушиб кетади. Ҳовлида бувиси, укаси Ҳосилжон ва Расулжон доимо дардлашиб ўтирадиган бўлиб қолишди. Бу орада кунлар совиб, изғиринли дамлар бошланди. Отаси киш учун тут, ўрик, тол каби дарахтлардан қаттиқ ўтин ҳозирлаб қўйди. Даҳлизга сандал қуришди. Бувиси она-етим болаларни турли мавзулар билан чалғитар, уларга иложи борича онасини эслатмасликка интилар эди. Аммо Расулжон доимо марҳума онасини эслаб, унинг сира ҳам кўрмаган сиймосини ўзича тасаввур қилишга уринар, у билан ғойибона суҳбат қураар эди.

Баъзан бувиси келинининг эрта вафот этганлигини ёдга олиб, кўз ёш тўкар, набираларига ўлим ҳар бир банданинг бошида борлиги ҳақидаги мисолларни тушунтирар, уларга таскин беришга тиришар эди.

Кунларнинг бирида хонадонда фалокат юз берди. Сандалга кўп чўғ солиндию устига камроқ кул тортиб қўйилгани учун тафти баланд эди. Расулжон бувисининг қаршисида, укаси Ҳосилжон эса чап томонида ўтирар, сандал ичига кириб кетгудек бўлиб елкасини ҳам сандал устига ёпилган кўрпа ичига ўраб олган эди. Расулжон бувисига савол бериб қолди:

- Ростакам дунё, ёлғондакам дунё ҳам бўладими?

Бувиси бунга жавобан:

- Ҳа, болам, биз яшаб турган дунё ўткинчи, ёлғон дунё дейилади. Одамлар Худо қанча умр берса яшаб, имтиҳон дунёсидан бир куни кетади. Ҳаёти давридаги савобу гуноҳлари нариги, чинақам дунёда ҳисоб-китоб қилинади, агар гуноҳи

кўп бўлса, дўзах азобига солинади. Агар мўмин бўлган бўлса, гуноҳига яраша жазоланиб, кейин жаннатга ўтказилади. Савоби кўп бўлса, тўғри жаннатга киради. Шунинг учун киши фақат савобли ишларни қилиши, ёмон ишлардан эса нафсини тийиши керак. Яратган якқаю ягона Аллоҳни доим эслаб туриш, буюрган фарзларини бажариш, манъ қилинган ҳаром ишлардан ўзини эҳтиёт қилиш савоб иш дейилади. Тўғри сўзлаш, ширин муомалали бўлиш, кўли очиқ, сахий бўлиш, етим-есир, ғариб-бечораларга раҳмли бўлиш, қариндош-уруғ, кўни-кўшнига ёрдам бериш, адолатли бўлиш, катталарга хурматда, кичикларга иззатда бўлиш савоб ишлар дейилади.

Бувиси яна сўзида давом этиб: "Ўғрилиқ қилиш, бировни ғийбат этиш, бошқага етган яхшиликка ҳасад қилиш, кишининг жисмоний камчилигини масхаралаш, уриш-хўрлаш, зўрлаш, одам ўлдириш, фаҳш иш билан машғул бўлиш, ароқ ичиб маст бўлиш, кимор ўйнаш, наша чекиш - булар гуноҳ ишлар саналади. Буларни катта бўлганингда яна ҳам чуқурроқ англаб, билиб оласан" - деди.

Расулжон бувисининг бу сўзларини жон қулоғи билан тинглаб, ёдида сақлаб қоларди, ҳар бир сўз бола хотирасига нақшдек муҳрланарди.

Бувиси "Таҳоратим борида Хуфтон намозини ўқиб олай", деганича инкиллаб ўринидан туриб, деворда осиглик турган жойнамозини олди-да, уйнинг тўрига ўтиб, намоз ўқий бошлади. Болалар ташқарига чиқиб, қайтиб келишди.

Бу пайтда бувиси намозни тугатиб, уларга ўғрилди:

- Отанг шу вақтгача ҳам келмади-я, энди ётиб ухланглар. Мана бу тўшакларни устиларингга ёпасизлар. Кечаси эҳтиёт бўлинглар, оёқларинг кизиб кетганда, тўшакларни тепиб сандалга тушириб юборманглар, тағин. Кампир шундай деб ташқарига чиқиб кетди. Бироздан кейин яна қайтиб келиб, токчада турган лампа чирокнинг пилигини пасайтирди. Расулжон уйқуси келмай, турли хаёллар билан бувисини гапга тутди:

- Буви, қачон мени Марғилонга ташлаб келасиз, тезроқ бориб устоз топсам, қўшиқчи бўлсам, сизларга албатта

ёрдамим тегарди, ёрдамим тегмаса-да, сизларга оғирлигим тушмас эди. Бувиси:

- Ундай демагин, болам, бизга ҳеч қандай оғирлигинг тушгани йўқ, мен сенга онанг ўлмай туриб, ваъда берганман, албатта Марғилонга олиб бораман. Бундан кўнглинг тўқ бўлсин. Ҳаволар исиб, кўклам келсин, деди. Сўнг Ҳосилжон ҳам ухламаган бўлса керак деб, "Укангни ҳам бирга олиб кетамиз, у ҳам ўйнаб Марғилоннинг бодрокқанду хўрозқандларидан еб маза қилади. Қани, энди ухланглар, деганча ўзи ҳам сандалнинг бир четига ёнбошлаб, кўзларини юмди.

Ярим тун. Кампир Ҳосилжоннинг "эна, эна" деб, йиғлаган овозидан уйғониб кетди. Уй ичи куйган пахта ва латтанинг хидию тутунга тўлиб кетган эди. Расулжон ҳам уйғонди. Кампир бориб эшикни очди, токчадаги лампа чирокнинг пилигини кўтарди, аммо тутундан атрофда ҳеч нарса кўринмас эди. У сандалга тушган тўшакни тортиб, ташқарига олиб чиқди. Бола ҳамон йиғлар, йиғиси эса тобора кучайиб борарди. Шунда кампир Ҳосилжоннинг сандал ичига тушиб, оёғи ёки бошқа аъзоси куйиб қолганини, шунинг учун у оғрикка чидай олмай йиғлаётгани билди. "Вой ўлмасам", деб болани кўтариб ҳовли томон отилди.

Боланинг иштони куйган, думба қисмига чўғ ёпишиб қолган эди. Бувиси Ҳосилжоннинг устидаги чўғни олиб ташлади, тўнни ечди. Куйган тўшак устига сув сепиб, оёғи билан эзиб ўчирди. Ўзи ётган кўрпани айвонга олиб чиқиб болаларни унга ўраб-чирмади. Уй ичига тўлган тутун аччиғига чидаб бўлмас эди.

- Ўзи сенларга совуққотмасин, деб раҳмим келмаса бўлар экан. Ётар жойларингни сандалдан ташқарига солиб берсам бўлар экан, - деди бувиси куйиниб: "Ҳосилжон, йиғлама, куйган жойингга зиғир ёғи суртиб қўяман. Ачишиб оғриши тўхтайтиди. Тузалиб кетасан", деди.

Кампир кеча чигити сиртилган момик пахтадан бир чимдим олиб, айвондаги идишда тўнглаб қолган ёғдан бармоғи билан олиб пахтага суртди, сўнг набирасининг куйган жойига қўйди. Тутун хиди хонадан кўтарилгач, улар яна уйга кириб, сандал атрофига ўтиришди.

Бувиси Ҳосилжоннинг ярасига эртасига ёғ суртаётиб, "Яхшиям оёғинг куймапти, агар куйганда чўлок бўлиб қолардинг, унда кўрардим - бир ёнимда кўзи ожиз набира, бир ёнимда чўлок бола. Худо бир сақлади, агар уйимизга ўт кетганда, учаламиз ҳам ўлар эдик" деди.

Бувиси ҳовлига овқат тайёрлаш учун чиқиб кетади. Расулжон пайпасланиб укаси ётган ерга сурилди. Қандай қилиб азоб тортаётган укасининг кўнглини овлаш ҳақида фикрлай бошлади. Нима деса экан...

- Ҳосилжон, сен тезда тузалиб кетсанг, киш тугаб, кунлар исиб, бувим иккимизни Марғилонга олиб боради. Биласанми, Марғилон жуда катта шаҳар. У ерда қишин-ёзин одамлар кўп бўлади. Чойхоналарда ашулавозлик, аскиявозлик бўлади, - деди гўё ўзи илгари боргандек. Шунда укаси:

- Ака, Марғилон деган жойингизда ўзимизни кимга ўхшаган ковун-тарвуз, хандалаклар бўладими? - деб сўради.

- Бўлмасам-чи, - дадилланди Расулжон, - мева-чева, қанд-курс, пашмак-холва, ширмойкулча, туршак-майиз - ҳаммаси бўлади. Яхши одамлар билан танишамиз. Ўзимга устоз топаман. Сен мени етаклаб тўйларга, одамлар тўпланадиган жойларга олиб борасан. Мен ашула айтаман. Тинглаганлар саргардон қилиб пул беришади. Пулимиз кўпайиб кетади. Сен хоҳлаган нарсангни сотиб оласан. Бувимнинг айтишича, у ерда қариндошларимиз бор экан. Топишиб, борди-келди қиламиз, ука.

Ҳовлига кимдир кириб келди. Йўталишидан билдики - отаси. Уйдаги аҳволни сезиб, ханг-манг бўлиб қолди. Кампир ўғлининг тўрт-беш кундан бери уйга келмагани учун роса дашном бериб уришди. Ҳосилжоннинг ярасига малҳамликка бошқа нарса топа олмай фақат зиғир ёғи суртса фойда бериши, иложи бўлса топиб келишини ўғлига уқтирди. Шифохона узоқлигидан нолиди. Бувиси ўғлининг бора-бора уйга келмай кўйишга ҳам тайёр эканлигини писанда қилар экан, набираси тузалгандан кейин уни бир бева аёл топиб уйлаб қўяжани айтди. Отаси индамади. Афтидан ўзида ҳам шунга яқин ният пишиб етилган эди. Расулжон тез кунларда уйга ўғай она кириб келиши мумкинлигини хис этади.

Болакайнинг кўнглидан шундай ўй кечди: "Уйимизга қандай аёл келар экан, бизга яхши муомала қилармикан, ёки хизматини малол олиб, хўрлармикан, отам ўгай онанинг айтганини қилиб, укам иккимизни сўкиб-сиктамасмикан, ўгай аёл бувим бечоранинг оғирини енгил қилармикан, ё ўзига чўри қилиб баттар қийнармикан? Мен-ку, Марғилонга кетвораман, аммо укам Хосилжоннинг аҳволи нима кечар экан. Келган аёл "Зумрат ва Қиммат" эртагидаги ўгай онага ўхшаб укамни роса хўрласа-я. Ишқилиб инсофли аёл уйимизга келсин, эй Худо! Нима бўлганда ҳам энамдан ажрамайман, у мени яхши кўради. Ёлғиз нажоткорим мана шу энажоним..."

* * *

Эрталаб кун ҳали ёйилмасдан уларнинг ховлисига биров кириб келди. Томоқ кириб йўталдию, ўзини эркин хис қилиб:
- Келинбуви, хо келинбуви, - деб чақирди.

Кампир ҳам, Расулжон ҳам дарров танишди - бу икки уй нарида турадиган, маҳаллада расмий оқсақол бўлмаса-да, ўзини шундай тутадиган, ҳамманинг ишига аралашиб юрадиган, одамлар Отакатта деб чақирадиган Жума қаризот эди. Отакатта Расулжоннинг энасидан 7-8 ёш кичик бўлгани учун уни "Келинбуви" деб атарди. Кампир жавоб беришга улгурмасдан бурун Жума Отакатта ховлига кириб, улардан хол-оҳвол сўради. Расулжон билан сўрашди. Бувиси сандалнинг тўри томонига янги тўшак солиб уни ўтиришга таклиф этди. Дуои фотиҳадан кейин Жума Отакатта Хосилжонга юзланиб, шундай деди:

- Намунча бу катта йигит кўрпа-тўшак қилиб ётиб олибди, бурга тепдими дейман?

Бувиси хўрсиниб деди:

- Ҳа, энди бизга шунақа кўргулик ҳам бор экан. Эшитган бўлсангиз керак - Хосилжон шўрлик, кечаси уйқусираб сандалнинг ичига тушиб кетиб, оёғи куйиб қолди. Яраси хали ҳам тузалмаяпти.

- Дард меҳмон, Худо хоҳласа тузалиб кетади - ҳамдардлик билдирди, - Жумабой, - Ўғлингиз масаласида гапим бор эди. Афсус у чиқиб кетгандан кейин келибман, - деди қўлларини

гиззасига уриб ўрнидан тураркан. Хуллас у дилига тугиб қўйган гапини - Қўлдошалани уйлаб қўйиш ҳақидаги мақсадини айтолмай уйдан чикиб кетди.

Тунда эса кампир бемор ётган набирасига бир-икки марта сув бериб, жонсарак бўлиб чиқди. Ҳосилжоннинг дарди кучайиб, ҳарорати кўтарилар, истмаси пасаймас эди. Нафас олиши қийинлашиб қолган эди. Расулжон укасининг дарди кундан кунга оғирлашиб бораётгани хис этарди.

Саҳарга яқин бувиси отасини қаттиқ овоз билан уйғотганини эшитиб, Расулжон ҳам чўчиб уйғониб кетди. Бувисининг гап-сўзларидан билдики, укасининг аҳволи жуда оғирлашиб қолган. У ўзи билганича дуолар ўқиб, ичида қайтариб, укасига соғлик сўрарди. Кампир уйга бет-қўлини ювиб қайтиб кирганида набирасининг икки марта "ху-ху" деганини, сўнгра нафаси ичига тушиб, жони узилганини билди.

Яна йиғи-сиғи, яна аза. Яна дод-фарёд, ҳол-аҳвол сўрашлар, дуои-фотиҳа. Маҳалла қўй, таниш-билишлар келиб, кампирдан ва унинг ўғлидан ҳол-аҳвол сўрашар, кўнгилларини кўтариш учун "Аллоҳнинг иродаси, ўзига керак экан - олди. Бола бечора бегуноҳ кетди, онаси яхши кўрар экан, ёнига чакирибди" дейишди.

САФАРДАН ҚАЙТМАГАН ОТА

Онасининг вафоти, кейин жажжи укасининг жон таслим қилиши Расулжоннинг қаддини букиб қўяди. Кампирнинг юрак-бағри ёмон куяди. Озиб-тўзиб юзи бир тишлам бўлиб қолади. Отаси ҳам қаттиқ эзилади. Кампирнинг қистови билан Қўлдошали қариндошларидан хабар олиш учун поездга ўтириб Қўқонга жўнайди.

Серово темирйўл бекатида (ҳозирги Бағдод тумани маркази, Бағдод қишлоғининг эски номи) поездан тушиб, пиёда Дашт қишлоғига келиб, қариндошлариникида бир неча кун меҳмон бўлади. Бечоранинг ҳам мазаси қочиб, ётиб қолади. Шу алфозда орадан ўн-ўн беш кун ўтмай, тугилган қишлоғида жонини эгасига топширади.

Бу совук хабар Жалолободга анча кеч етиб келади. Бувиси билан Расулжон поездга ўтириб отасига аза тутиш, мархумнинг арвоҳига фотиҳа ўқиш учун қишлоққа келишади. Бувиси бу кўргиликларга зўр-базўр бардош бериб, етим набирасининг аҳволини ўйлаб, ўзини дадил тутишга тиришади. Дунёда кўп азоб-уқубатларни кўрган, шафқатсиз тақдирнинг зарбаларига кўникиб кетган бечора аёл умидсизликка тушмайди. Набирасининг келажагидан умид қилиб яшайди. Расулжоннинг ялиниб-ёлворишига ортик қаршилиқ қилмай, Марғилонга боришга қарор бериб, йўлга тушадилар.

"БАҲРИ МУҲАББАТ МАРҒИЛОН"

Кампир ва набира ўз қариндошлари билан йиғлаб-сиқтаб хайрлашиб, яна Серово станциясидан поездга ўтиришиб, Горчаково станциясида (ҳозир Марғилон бекати дейилади) тушиб қолишади. Серово билан Горчаково ораси 50 км эди. Горчаково станцияси Фарғона шаҳри билан Марғилон шаҳри ўртасида жойлашган бўлиб, бу ерда кира ҳақи олиб йўловчиларга хизмат қиладиган от-аробалар, автокачкалар йўловчиларни кутиб тўрар, аравакашлар истаган кишини Фарғонага, истаган кишини Марғилонга элтиб қўйишар эди (У вақтларда юк машина, автомобиллар жуда кам эди.).

Мусофирлар от-аравага ўтириб, Марғилонга жўнайдилар. Улар одамлардан суриштириб, шаҳардаги "Турғун қарис"нинг чойхонасини топиб боришади.

Хуллас, бувиси машҳур чойхонага келиб, бу ердаги кишилардан ёзёвонлик Юсуфхонтўрани сўрайди. Улар тўрададани танишларини, у жума куни бу ерга келишини айтишди. Буви билан набира жума кунигача Марғилон атрофидаги қишлоқлардан бирида яшовчи қариндошлариникига равона бўладилар.

Қишлоқда уларни қариндошлар очик чехра билан қутиб олишади. Бувисининг ҳаёт қиссасини эшитиб, роса йиғисиги қилишади. Бир-бирларига сабр-бардош тилайдилар. Бувиси қариндошларга ўзларининг Марғилонга келишлари

сабабини айтади. Ҳамма Расулжоннинг орзуси ушалишини тилаб дуо қиладилар. Ниҳоят, жума куни ҳам етиб келади. Буви билан набира эрта тонгда чойхонага етиб келиб, сўридан жой олиб, чой ичишиб, нафас ростлаб Юсуфхонтўрани кута бошлайдилар.

Юсуфхонтўранинг Расулжонни Марғилонга таклиф этиши бежиз эмасди. Қўкон хонлиги даврида (1715-1875 йиллар) Марғилон мамлакатнинг иккинчи маркази саналар эди. Чор Россияси мустамлакачилиги даврида ҳам, ундан кейинги йилларда ҳам Марғилон водий ижтимоий-сиёсий ҳаётида ўзига хос ўрин эгаллаб келган шаҳар эди.

Марғилон - ўзбек санъатининг бешиги саналади. Бу шаҳарда Юсуфжон қизик Шакаржонов, Мадали Ҳофиз, Уста Олим Комилов, Муҳиддин қори Ёқубов, Тамарахоним, Гавҳархоним, Лизахоним, Нурхон Йўлдошхўжаева, Болтабой Ражабов, Маматбобо Сатторов, Мукаррама Турғунбоева, Бобораҳим Мирзаев, Саодат Қобулова, Берта Давидова каби санъат усталари туғилиб вояга етган, ўзбек санъатини жаҳонга танитишган. Уларнинг номи миллий санъатимиз солномасига олтин ҳарфлар билан битилган.

Маълумотларга кўра, 1912 йили Москванинг "Роберт-Кенц" фирмаси экспедицияси марғилонлик Мадали Ҳофизнинг "Абдурахмонбеги" туркумидаги ашулаларини граммофонга ёзиб олади. 440-рақамли бу грампластинкани хофизнинг ўғли, мащхур бастакор Муҳаммадсиддик Мадалиев шаҳар "Адабиёт ва Санъат" музейига топширган.

1918 йили Марғилон шаҳрида "Санойи нафиса" тузилади. Юсуфжон қизик, Болта хофиз, Маматбобо Сатторов, Уста Олим Комилов, Отахўжа Саидхўжаев, Қўзихон Мадрахимов, Муҳаммадсаид чангчи, Йўлдош махсум найчи, Абдурахмон ғижжакчи, Жўраҳон Султоновлар унга аъзо бўлиб кирадилар.

1926 йили Марғилонда Ўзбекистон Давлат этнографик ансамбли ташкил этилади. Ансамблга Муҳиддин қори Ёқубов раҳбарлик қилади. Бу ансамблга юқорида номлари зикр этилган санъаткорлар билан бир қаторда атрофдаги шаҳар-қишлоқлардан келган Тамарахоним, Аҳмаджон Умрзоқов, Тўхтасин Жалилов, Абдуқодир Исмоилов, Орифжон

Тошматов, Низом Холдоров, Мухитдин Хўжаев, Хожи Сиддик Исломов, Тухфахон, Холчухон ая сингари таниқли санъаткорлар қушиладилар. Бу ансамбль кейинчалик пойтахт Самарқандга, ундан кейин эса янги пойтахт Тошкентга, аниқроғи Янгийўлга кўчирилади ва республика мақомидаги ансамбль даражасига кўтарилади.

Шу ўринда Ўзбекистон санъати тарихида кўп марта тилга олинади ан бир ходисани яна эслаш ўринли.

1935 йили Англиянинг Лондон шаҳрида ўтган жаҳон санъат фестивалида марғилонлик санъаткорлар Мухиддин кори Ёқубов, Тамарахоним ва Уста Олим Комиловлар қатнашадилар. Тамарахоним Уста Олим томонидан доирада чалинган "Катта ўйин"га рақс тушади. Рақс тугагандан сўнг Англия қироличаси Мария ложадан сахнага чиқади, устанинг чилдирмасини кўлига олиб кўради ва панжаларини ушлаб, ушбу мўъжизакор панжалардан гипсга нусха олиб, Лондон музейига қўйишга буюрук беради (Бу нусха хозиргача сақланади).

Айниқса, марғилонлик ҳофизлар Жўраҳон Султонов ва Маъмуржон Узоқов номи ўша пайтларда тилларда дoston эди. Шу сабабли академик шоиримиз Ғафур Ғулом Фарғона ва Марғилонга қилган сафарларидан бирида бу икки шаҳар шаънига атаб бир ғазал бағишлаган бўлиб, у "Ассалом, эй шаҳри Сим, баҳри мухаббат Марғилон" деб бошлангани бежиз эмас.

Юсуфхонтўра Расулжон билан бувисини очиқ чеҳра билан кутиб олади. Уларни шаҳардаги этнографик ансамбль ишлайдиган бинога бошлаб бориб, таниш санъаткор дўстларига янги истеъдодли болани топширади.

Кўлимизда Расул корининг Марғилонда кимлар билан устоз-шогирдлик қилгани, қандай ашулаларни ўргангани ҳақида маълумотлар йўқ. Ҳофизнинг фарзандлари берган хабарга кўра, ёш Расулжон юқорида номлари тилга олинган санъаткорлар кўлида тарбияланган.

ЯНГИЙЎЛ, ЯНГИ ҲАЁТ

Янгийўл театри ўтган асрнинг 30-40-йилларида Республикамизнинг асосий санъат ўчоқларидан бирига айланган эди. Ўзбек театр, кино ва кўшиқчилик санъати намояндалари мазкур театрда камол топиб, кейинчалик улар ўз санъатлари билан ўзбек маданиятини юксалтиришга баракали ҳисса қўшдилар.

Расулжон бу ерда турли спектаклларда болалар образини яратди. Айниқса, "Тоҳир ва Зухра" пьесадаги етим бола ролини у жуда таъсирли ижро этади. Боланинг мунгли сўзлари, ғамгин ашулалари томошабинларни ғоят ҳаяжонга солар, йиғламаган одам қолмас эди. Шуниси эътиборлики, Расулжон бу ерда рус тилидаги ашулаларни ҳам куйлаб, тингловчилар таҳсинига сазовор бўлади.

Иккинчи жаҳон уруши кулфатлари туфайли Ўзбекистонда ҳам қийинчилик кучайгандан кучайди, озиқ-овқат тақчил, кийим-кечак юпун, бу ҳол Янгийўл театри жамоасини ҳам четлаб ўтмади. Расулжон бувиси билан зўр базўр кун ўтказарди. Болақайни тақдирнинг яна бир машаққатли синови кутиб турарди. Бечора бувиси қаттиқ касал бўлиб қолади. Уни Тошкент шифохоналаридан бирига олиб кетишади. Расулжон Янгийўлда ёлғиз қолади. Кўп ўтмай Тошкентдан совуқ хабар келади. Бувиси шифохонада вафот этган эди. Уни Чигатой кабристонига дафн этишади.

ЮРТГА ҚАЙТИШ

"Йўғон чўзилиб, ингичка узиладиган" замон бўлгани учун Расулжон ҳам тирикчилик ўтказиш учун кўча боласи бўлади-қолади. Кунлардан бир куни танишлари Янгийўлга келган пайт етимча ҳофизни йўқлайди. У билан йиғлаб кўришадилар. "Расулжон, замон оғир бўлиб қолди. Сенга ёрдам беришга биз ҳам ҳам ожизмиз, энди ўз юртингга, ота-онанг яшаган қишлоғингга қайтгин, ўз қишлоғингда бир кунингни кўрарсан, уруш тугаб, яхши замонлар бошланса Тошкентга қайтарсан, яхши санъаткор бўлиб халқ ўртасида машхур

бўлиб кетсанг ажаб эмас" деб кўнглини кўтарадилар. Улар Расулжонни Янгийўл станциясига олиб бориб, Тошкент - Андижон поездига чиқариб юборадилар. Проводникка болакайни Кўқондан кейинги бекатда қолдириб кетишни тайинлайдилар.

Расулжон поезддан тушиб, одамлардан ёрдам сўраб, Дашт қишлоғига етиб боради. Қишлоқда у отасининг бир кампир қариндошиникига келади. Кампир уни совуқкина кутиб олади. Ўзи зўрға кун кўриб турган одам хузурига кўлидан ҳеч нарса келмайдиган, кўзи ожиз, ейман-ичаман деган ўспирин кириб келса, албатта малол келади. Кампир Расулжонга дашном бергани берган эди.

Кампирнинг бир муомаласи умрбод Расулжоннинг эсидан чиқмайди. Кейинчалик бу воқеани фарзандларига ҳам айтиб берган экан. Воқеа бундай бўлган. Қиш кунларидан бирида Расулжон сандалда ётган эди. Эшик тўғрисида ётар экан, ташқаридан совуқ изғирин орқасига келиб урилади. Оёғи иссиқ бўлса-да, елкалари, бели совуқдан ачишиб оғрий бошлайди. Совуқдан қочиб сандалнинг бошқа томонига ўтиб, ётиб олади. Иссиқ хуш ёқиб кўзини уйқу элитади. Бир пайт кампирнинг шангқиллаган овозидан уйғониб кетади. "Нега менинг жойимга ётиб олдинг, етимвачча?" деб чунонам қаттиқ тепадики, бола бечора сандалнинг бошқа томонига ўтиб кетади. Расулжон оғриққа чидай олмай, ўксиб-ўксиб йиғлайди. Ортиқ бу уйда тура олмаслигига кўзи етиб, бошқа жойга кетишга қарор қилади.

Дашт қишлоғидан унча узок бўлмаган Олчин қишлоғида Мулла Саримсоқ бува исмли киши бор эди. Расулжон мана шу кишининг уйида бир неча вақт истикомат қилиб, олчинлик Сайдали хофизга шогирд тушади. Аммо сафарга тез-тез чиқиб турадиган хофиз ёш Расулжонни ўзи билан бирга олиб юра олмасди. Саримсоқ буванинг уйида ҳам узок яшай олмаган Расулжон энди одамлар гавжумроқ бўладиган манзилга боришни орзу қилар эди. Кўқонга борай деса у жойда таниши йўқ, ўйлай-ўйлай Олчиндан тўрт-беш чақирим наридаги Янгиқўрғон қишлоғига боришга аҳд қилади.

У Янгиқўрғонда ҳафтанинг якшанба кунлари бозор

бўлишини, чойхоналар борлигини одамлардан эшитган эди. Бир куни Саримсоқ бувадан Янгиқўрғонга олиб боришни, иложи бўлса ўша ерда қолишига ижозат беришини илтимос қилади. "Зора чойхонада самовар қайнатишга қабул қилишса, ўша жойда бир кунимни кўрарман", деб ният қилади Расулжон. Саримсоқ бува етим болани Янгиқўрғонга олиб келади. "Майли, самоварда ишласанг, ишлай қол, ўзим сендан тез-тез хабар олиб тураман. Агар қийналсанг яна уйга олиб кетаман, деб Турдали буванинг чойхонасига ташлаб кетади.

Чойхона шундоқ катта ариқ бўйида, азим тоғлар орасида жойлашган эди. Чойхоначи Турдали бува жуда меҳрибон, хушмуомала одам эди. Чойхонанинг бир хусусияти - ундаги ҳар бир сўри бир маҳалла кишиларига тегишли бўлар экан. Бир маҳалланинг сўрисига бошқа маҳалла одамлари ўтирмас, чойнак-пиёла, дастурхон, лаганларига ҳам тегишмас эди. Бу ерда маҳалла оқсақоллари ҳаётий муаммоларни биргаликда муҳокама қилишар, бозор-ўчар, нарх-наводан гаплашишар, бошига ташвиш тушганларга ёрдам бериш ва хашар каби масалаларни ҳал этишар, тўй-тўйчиққа қайси куни ва қачон бориш лозимлигини аниқлашар эди.

Бу ернинг одамлари жуда қувнок, суҳбатлари мазмундор бўлиб, баъзан аския айтишар эди. Баъзи кунлари гап-гаштак уюштирилар, лаззатли қайнатма шўрвалар қилиниб, ширин паловлар дамланар эди. Жўралар орасида хофизлар ҳам бўлиб, улар дутор-танбур чалиб, ащула айтишар эди. Баъзан сўз пайровлари, аскиявозлик бўлар эди. Расулжон катталарнинг исмларини овозларидан таниб билиб олар, қайси гапни ким айтгани ёдида қолар, сўз бойлиги кундан кунга бойиб борар эди. Бу файзли гўша Расулжонга жуда ёқиб қолди. Бир умр шу ерда яшашга ҳам рози эди. Чойхонада Расулжондан бошқа яна бир-икки ўсмир ҳам бор бўлиб, бири ўтин ёрса, бири сўриларни, чойхона сахнини супириб-сидирар эди. Расулжон эса самоварга ўтин ёқар, самовардаги сув қайнагандан кейин бир четдаги сўрида ўтириб дам олар, одамларнинг суҳбатига қулоқ солар эди.

Чойхонада баъзан Расулжоннинг димоғига папирос, сигарет, нос, ароқ-вино ҳиди ҳам урилиб қоларди. Чойхона

хизматини қиладиган ўспиринлар катталарга тақлид қилиб (Турдали бувадан яширинча) папирос чекишар, Расулжонга ҳам "торт-торт" дейишиб, уни ҳам кашандаликка ўргатишар эди. Баъзан катталардан ортиб қолган арақ-вино колдиқларини ҳам ичишар эди. Бир куни Расулжонга ҳам мажбурлаб ичиришди, кўнглинг ёзилади, ғамни унутасан, дейишди. Қув болаларнинг тазйиқи билан у сопол пиёлага қуйилган аччиқ ва бадхўр ичимликни ютиб юборди. Милки, тили ва тишлари қамашиб, томоғи ачишди. Дам ўтмай боши айланди, бироздан кейин ўпкаси тўлиб йиғлаб юборди... Раҳматли бувисининг насихатлари ёдига тушди.

Эҳтимол, чойхонага тез-тез келиб, чойхўрлик қилиб кетадиган Турдали буванинг қадрдони Мамадали бува, унинг дўстлари, маҳалладошлари бўлмаганда Расулжон кўча боласи, ичиб-чекувчи иродасиз одамга айланиб кетиши ҳеч гап эмасди.

МАМАДАЛИ БУВА

Мамадали бува Раҳимбоев Жийдали қишлоғида истиқомат қилар, асосий тирикчилиги дехқончиликдан эди. Ашула ва мусиқага, аския санъатига, адабиётга ишқибоз киши бўлиб, маҳалладошлари Боқибой бува, Маматқул бува, Имомназар бува, дехқонободлик хофиз Мамадали бува каби яқин оғайнилари билан катта ашула ҳам айтиб турар эди.

У Турдали буванинг чойхонасига кирган кунлари зийрак ва сўзамол Расулжонни тез-тез гапга солар, ундан ашула ҳиргойи қилиб беришни илтимос қилар, бу билан кўзи ногирон боланинг кўнглини кўтаришни кўзлар эди. Бир куни шомдан кейин Мамадали бува чойхонага кирса маҳалладошлари ўз сўриларида шомни ғарибон қилиб ҳасратлашиб ўтиришибди. Улар Расулжондан Янгийўлда ўрганган ашулаларидан бирини куйлашни сўрашди. Расулжон мусиқали драмаларда ижро қилинадиган бир ашулани айтиб берди. Тингловчилар болакайнинг ширали ва мунгли овозини эшитиб яна бир бор таъсирландилар. Шунда Боқивой бува:

— Мамадали, Расулжон бир неча ҳафтадан бери чойхонада

яшамокда. Кўриб турибсан, ақлли-фаросатли, зехнли бола экан. Ашула айтишга ҳам уста. Сенинг ўғил фарзандинг йўк, мана шу болани фарзандликка олсанг, тарбияласанг кўп савоб бўлар эди, - деди.

Бу фикрни бошқалар ҳам тасдиқладилар.

Мамадали бува Расулжонга:

- Сен нима дейсан, Расулжон, менга ўғил бўласанми? деб сўради меҳрибонлик билан.

Расулжон ич-ичидан кувониб, хўрсиниб кетди. Шундай меҳрибон, доно ва одамжон кишиларга тақдир рўбарў қилганига шукрона келтирди. Катталарнинг мақсадини тушуниб беихтиёр шоир Зиёуддин Ҳазинийнинг

То етим бўлмай киши билмас атонинг қадрини,
Жону дилдан тарбият қилгон анонинг қадрини,
Ажрагай - билгай ако бирлан уконинг қадрини.

мисраларини эслади. Агар малол келмаса, албатта ўғил тутинишга рози эканлигини изҳор қилди.

Шу кундан бошлаб Расулжон Мамадали буванинг уйида яшай бошлади. Кундузи чойлик сув қайнатиш учун самоварга ўт қалар, кечкурун Мамадали бува билан уйларига кетарди. Отахон Расулжонни ўз ўғли қилиб расмийлаштириш учун қишлоқ шўросига киради. Туғилганлик ҳақидаги метрикасига "Расулжон Қўлдошев" ўрнига "Расулжон Мамадалиев" деб ёздиради. Мамадали бува Расулжоннинг қўшиқчи бўлиб танилиши учун жидди жаҳд қилади. У уйларидаги радиокарнайни доимо созлаб кўярди, Расулжон эса радио орқали бериладиган қўшиқларни жон қулоғи билан тинглар, ёдида саклаб, сўнг уни куйлашни ўрганар эди. У айниқса чойхонада кўйиладиган граммофон орқали хофизлар хонишини тинглаб, хузур қиларди. Отаси қаерда сайл-томоша ёки тўй бўлса бирга олиб борарди. Расулжон халқ ўртасида ажойиб қўшиқлар айтиб танилади. У кўпроқ Жўраҳон Султоновнинг ашулаларини куйлашни хуш кўрар эди.

Ашула устаси, аскиячи, шоир, Ўзбекистон халқ хофизи Эркақори Каримовнинг ижрө услуби Расулқори учун асосий

таянч эди. 1877 йили 17 декабрда Данғара туманидаги Тумор кишлоғида туғилган Эркақори "Катта ашула" санъатининг (миллий а'капелла санъати) йирик вакилларида, ширали, жарангдор овоз эгаси эди.

Болалигида касаллик оқибатида кўзи ожиз бўлиб қолган эди. Эркақори ёшлигида Қўкон мадрасаларида таҳсил олган, адабиётни яхши билган, ўз замондошлари Муқимий, Фуркат, Завқий, Ҳазиний каби йирик шоирлар билан ижодий ҳамкорлик қилган, ўзи ҳам ғазаллар ёзган. У Алишер Навоий, Умархон Амирий, Абдулкарим Фазлий, Мухаммадаминхожа Муқимий, Зокиржон Фуркат, Зиёуддин Ҳазиний, Асқарали Чархий каби шоирлар ғазаллари асосида катта ашулалар ижод қилиб, мухлислар орасида обрў қозонган.

Шу билан бирга Эркақори репертуарида мумтоз ва замонавий ашулалар, мақом йўлларидаги асарлар ҳам ўрин олган. Санъаткор ижросидан илҳомланиб Чустий, Ҳастадил, Чархий, Камтар, Фироқий сингари шоирлар ашулабоп шеърлар ёзишга муяссар бўлишган.

Э.Каримов 1937 йили 60 ёшга тўлган вақтда Москвада бўлиб ўтган Ўзбек санъати ўнқунлигида қатнашиб, ўзбек миллий санъати нималарга кодирлигини намойиш этган. Эркақори Катта Фарғона канали қурувчилари ва иккинчи жаҳон уруши жангчилари, пахтакорлар хузурида ўзининг дилрабо ва жўшқин ашулалари билан халқимизга ҳаётий илҳом бағишлаган. 1944 йили у кишига "Ўзбекистон халқ хофиси" унвони берилган. Афсуски, Эркақорининг кучқувватга тўлган пайтда ижро этган ашулалари магнит тасмаларига ёзиб қолдирилмаган, аммо шогирдлари томонидан ижро этилган ашулалари бугунги кунгача бизларга етиб келган.

У "Чапандози гулёр", "Қўкон ушшоғи", "Салламно", "Насруллоий", "Насри баёт" каби ўзбек мумтоз ашулаларини маромига етказиб куйлаган, Чархий ғазали билан айтиладиган "Янги боғ", "Унутманглар", "Замондандир" сингари янги ашулалар ижод этган.

Эркақори сўз устаси, зукко аскиячи бўлган. Кунлардан бирида бир ҳазилкаш киши Эркақорининг кўлига қоғозга

ўралган ранг беради. "Қори ака, бозордан ранг олган эдим, текшириб беринг-чи, яхшимикан, ёки сохтамикан?" дейди. Кўр кишига атайлаб рангни аниқлаб беринг деганига хафа бўлмайди, аксинча уни қўлига олиб, сўнг эгасига қайтиб берар экан, "Ма, яхшисини олмабсан, ҳе, рангинг қурсин" дейди (Ўзбек тилида "юз" сўзининг бет, афт, башара, ораз, юз, ранг, руҳсор, руҳ, узор каби ўнга яқин синоними бўлиб, Эркақори дада улардан "ранг" сўзини икки маънода ғоят усталик билан қўллаган).

Эркақори Каримов 1954 йили 12 март куни Қўқон шаҳрида 78 ёшида вафот этган. Қўқонда Эркақорининг Шерқўзи Бойқўзиев, Эргаш Ҳайдаров, Меҳмонтўра Тўйчиев, Ўтанбой хофиз, Турғунбой ота Мирзаев каби шоғирд ва ҳамнафаслари бўлиб, Расулқори ҳам уларнинг бири эди.

Бокивой буванинг муаллим, созанда ва ашулачи бўлган Камолиддин Ҳамроқулов деган куёви бўлиб, урушга кетган эди. Кексалар Расулжон билан Камолиддиннинг овози ўртасида ўхшашлик борлигини эътиборга олиб, "Худо хоҳласа уруш тугаб, Камолиддин кишлокқа келади, у сенга устоз бўлади, биргаликда хофизлик қиласизлар", дейишарди.

Ниҳоят, Камолиддин 1946 йили урушдан соғ-саломат ўз юртига, оиласи бағрига қайтади. Отаҳонларнинг орзуси ушалади. Улар бир бирлари билан танишиб, бир умрлик ҳамнафас ва кадрдон бўлиб яшаб қоладилар.

Илк учрашувни Камолиддин ака ўз фарзандларига шундай хикоя қилиб берган: "Урушдан янги келган кунларим, бир куни Янгиқўрғондаги тўй базмлардан бирида Расулқори берилиб куйлар эди. Отам ҳам шу тўйда ўтирган экан. Кўнглида "Расулқорининг овози Камолиддиннинг овозига жуда ўхшар экан" деб турган пайт мен ҳам тўйхонага кириб келибман. Мени имлаб ёнларига чақирдилар. Расулқори бир ашулани тугатгач, ўнга мен билан жўровозликда катта ашула айтишимизни билдирди. Расулжон маъқул дегандек бош силкиб қўйди.

У кўшиқни тугатгандан кейин мен қўлимга ликобча тутиб Жўрахон Султонов ижро этган "Богаро қўйсам қадам гулгунча қолмай хандадур" мисраси билан бошланадиган катта

ашулани айтажагимизни унга билдирдим. У рози бўлди. Ижрони мен бошладим. Расулқори сўзларимни такрор куйлади. Шундай қилиб иккимиз ҳеч қандай тайёргарликсиз "Боғаро"ни ижро этдик. Одамлар олқишладилар. Менинг овозим билан Расулқори овози бунчалик мос ва уйғун келишини кутмаган эдим. Кейинчалик йигирма йил давомида биз Расулқори билан ҳамнафас ижод қилдик".

ҲАМНАФАС КАМОЛИДДИН ҲАМРОҚУЛОВ

(Ҳужжатларда Комилжон)

Камолиддин Ҳамроқулов 1910 йили Янгиқўрғон билан туташ Жийдали қишлоғида туғилган. Қишлоқда эски мактабда савод чиқариб, сўнг Қўқондаги мадрасалардан бирида икки акаси билан бирга ўқиган. У диний асарлар билан бирга адабиётни ҳам севиб ўрганди. Октябрь тўнтаришидан кейин Қўқондаги ўқитувчилар тайёрлаш билим юртида, педфакда ўқиб, малака ошириб, ўзбек тили ва адабиёти муаллими бўлиб етишади. Уша пайтларда қишлоқларда билимли, маълумотли ўқитувчилар етишмас эди. Камолиддин ўз ихтиёри билан Бачқир, Пошшопирим қишлоқларига яқин Бекобод қишлоғига ўқитувчи бўлиб боради. Истеъдодли Камолиддин ака араб, кирил ва лотин ёзувидаги ҳар қандай китобларни ўқий олар, дутор чертар, катта ашула айтарди.

Қишлоқ аҳли Камолиддинни жуда ҳурмат билан кутиб олади. У жуда кўп ёшларни саводхон қилиб, одоб-ахлоқ ўргатади. Кейинчалик бекободликларнинг кўпчилиги олий маълумотли ўқитувчи бўлиб мактабларда ишлаб, туман халк маорифи равнақиға ўз хиссаларини кўшдилар (Шулардан бири журналист Отабек Раҳмоновнинг отаси Раҳмон ота Тожиев эди). Камолиддин ака Бекободда уруш бошлангунга қадар ишлади.

1942 йил бошида қаҳратон қишда урушға чақирилади. 32 ёшли бола-чақали йигит фронтға отланади. Не-не азоб-уқубат, қийинчиликларни бошдан кечиради. Умри узок экан, урушдан тўрт мучаси соғ, 1946 йили уйға қайтади. Яна кадрдон Бекободға, мактабға бориб ўқитувчилигини давом эттиради.

У киши санъатни тирикчилик манбаи қилиб олишни истамаган, бировнинг ҳақини ейишдан ҳазар қиладиган, "Дил ба ёр даст ба қор" - Қўлинг ишда, кўнглинг Яратувчининг зикри билан бўлсин деган шиорга амал қиладиган инсонлардан эди.

Хаммаҳалласи Расул қори билан хамнафаслиги устоз-шоғирдлик мақомида жуда жиддий давом этади. Расулжон ҳар куни Камолиддин ака ҳовлисига ҳассаси ёрдамида ўзи кириб келар, репетиция - машқ эрта-кеч давом этарди. Камолиддин ака мумтоз адабиёт вакиллари асарларидан ғазалларни танлар, уларни Расул қорига ўқиб берар, у ёдлаб олгандан кейин куй танлаб ижро этишар эди. Уларнинг санъатидан баҳраманд бўлиш учун атроф-жавонибдан тўйларга таклиф этишар, кўп ҳолларда туман ва вилоят тадбирларига чақиришар, хамнафас хофизлар халқ ўртасида ўз жонбахш ашулалари билан шинавандалар кўнглини хушнуд этишар эди.

1957 йили ёз кунларининг бири эди. Янгиқўрғондан беш чақирим нарида жойлашган Дехқонободда, ўша пайтда "Коминтерн" деб аталган жамоа хўжалиги боғида Қўкон атрофидаги туман ва хўжалик фаолларининг вилоят кенгаши йиғилиши бўлиб ўтади. Йиғилишда ўша пайтлардаги вилоят ва республика раҳбарлари ҳам қатнашади. Ғўза парвариши аҳволига бағишланган мазкур йиғилиш тугагандан кейин, санъат усталари катта концерт қўйиб беришади.

Камолиддин билан Расулқори хамнафасликда ашула айтишар экан, уларнинг санъати раҳбарларга ҳам ёқиб қолади. Буни сезган туман ижрокўми раиси хофизларга дастурдан ташқари яна куйлайвериш мумкинлигини билдириб, имо қилиб қўяди. Хофизлар шинавандаларнинг илтимоси ва олқишларига кўра тўхтовсиз 17 та ашула айтишади (баъзилар 30 га ашула яқин айтишган дейишади). Ўша куни гўё бу икки хонанданинг алоҳида концерти бўлди.

Раҳбарлар ўзбек ашулачилик санъатининг янги истеъдодларини кашф этишганидан мамнун бўлиб, Жўрахон Султонов ва Маъмуржон Узоқовлар сафига яна икки забардаст санъаткор келиб қўшилганини таъкидлашади: "Уларнинг

санъатидан фақат туман халқи эмас, балки бутун Ўзбекистон халқи баҳраманд бўлиши лозим, бунинг учун уларни Тошкентга олиб бориб, қўшиқларини магнит тасмасига ёзиб олиш, радио орқали эфирга узатиш зарур", дейишади.

Шундай қилиб Камолитдин Ҳамроқулов билан Расулқори Мамадалиев бир неча кунга Тошкентга таклиф этиладилар. Уларни машҳур ҳофиз ва санъатшунос Юнус Ражабий кутиб олади ва ўз хонадонидан жой беради. Ю. Ражабий ўша пайтда ўзбек мақомларини тўплаб, нотага ёзиб олаётган, илмий жиҳатдан ўрганаётган бўлиб, унинг ҳукумат томонидан берилган махсус уй амалда санъаткорлар йиғиладиган, ижод қиладиган, ашулалари навбат билан ёзиб олинадиган даргоҳ эди. Тез кунда икки ҳофизнинг ўндан ортиқ ашулалари (бир йўла мақом хазинаси учун, ҳам радио фонотекаси учун) магнит тасмасига ёзиб олиб, радио орқали бериб борилади.

Тошкентга қилинган ижодий сафар икки ҳофизни пойтахт аҳлига ҳам танитди. Улар пойтахт аҳлининг тўй ва базмларида ашула айтишди. Кўпгина етук санъаткорлар, шоир ва адиблар билан мулоқотда бўлишди. Улар орасида Орифхон Хотамов, Ҳакимжон Файзиев, Шоолим ва Шоакбар Шожалилов каби етук ҳофизлар ҳам бор эди. Бу ҳол уларни янада жиддий ва илҳом билан фаолият юритишга руҳлантирди. Тошкентда ижодий муҳит соз бўлса-да, улар қишлоқда қолган оила ва фарзандлар ташвиши билан уйга қайтишга қарор қилишади. Юнус Ражабий икки ҳофизга водийда туриб ҳам Тошкент билан ижодий ҳамкорликни яна давом эттириш зарурлигини айтиб, ноилож руҳсат беради.

Янгиқўрғонликлар Тошкентда туриб бутун республикага доврुक таратган ҳофизларни шод-хуррамлик билан кутиб олишади. Энди уларнинг хонадони санъат ихлосмандлари тўпланадиган, шогирдлар қадами узилмайдиган даргоҳга айланади. Камолитдин аканинг уйига айникса, туманнинг турли қишлоқларидан бўлган ёш созанда ва хаваскор қўшиқчилар кўп келишар, улар файзиёб хонадонда истиқомат қилиб, уйларига ҳафтада бир бориб келишар эди.

Бу ёш талантлар кейинчалик туман ашула ва ракс ансамблининг фаол аъзолари бўлиб, бутун республикага

таниладилар. Бу ўринда Ҳазиний ғазали билан айтиладиган Мухторжон Муртазов куйи асосидаги "Фарғона тонг отгунча" ашуласини маромига етказиб ижро этган, ниҳоят бу ашуласи республика радиоси олтин фондига ёзиб олинган забардаст хофиз, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Абдулатиф Холдоров номини эслаб ўтиш жоиз. У билан бирга Етовқўзи Салоҳиддинов, Саминжон Қосимов, Мўминжон Имомов, Муҳаммаджон Шералиев каби истеъдодлар ҳам Камолиддин ака билан Расулқори мактабидан етишиб чиққан ашулачи ва созандалар бўлишди.

1974 йили республикамиз туманлари ансамбллари ўртасида "Чашма" халқ ижодиёти конкурси ўтказилган. Саксондан ортиқ ансамбль иштирок этган бу санъат баҳсида туман "Табассум" ашула ва рақс ансамбли фахрли биринчи ўринни эгаллаган. Бу ютуқда юқорида номлари санаб ўтилган хофиз ва созандаларнинг ҳиссаси катта бўлган эди. Ансамбль дастури республика телевидениеси орқали бир неча марта намойиш этилган. "Табассум"чилар Эрон, Ироқ ва Ҳиндистон мамлакатларига саёҳат қилиб, ўз санъатларини Шарқ халқларига намойиш этиш имконига эга бўлишган.

Бугунги кунда республикамизга танилган бувайдалиқ, бағдодлик ва учкўприклик Жўрақўзи Хотамов, Тўлқинжон Ҳайдаров, Бахтиёр Қўшоқов, ака-ука Эркинжон ва Неъматжон Шаброновлар, Шерали Раҳмонов, Ғофуржон Юнусов, Хурсандбой Абдурахимов, Икромжон Абдуллаев, ака-ука Мухсинжон ва Яҳёбек Мўминовлар, Иномжон Юсупов каби хофизлар Камолиддин Ҳамроқулов билан Расулқори Мамадалиевнинг тарбияси ва таважжуҳи билан етишиб чиққан истеъдодли кўшиқчилардир.

Камолиддин ака ўз шогирдларига ҳам педагог, ҳам санъат мураббийси сифатида оталарча ғамхўрлик қилди. Уларга аввало, инсонийликдан сабоқ берди. Санъаткорнинг маънавий дунёси қандай бўлиши кераклигини ўзи ёшлигида таълим олган устозлари тимсоли орқали тушунтирар эди. Замондошларининг гувоҳлик беришича, Камолиддин ака шогирдларига "санъатнинг нони"га қараб қолмаслик кераклигини таъкидлаб, санъат билан бирга касб-хунар ва

бошқа тирикчилик юмуши билан ҳам шуғулланиш зарур деб таълим берар экан. Бунга аввало, ўзи амал қилар, гоҳ ота касбим деб баққоллик қилар, гоҳ чойхона очар, гоҳ жамоа хўжалигининг асарарисини боқиб рўзгор тебратар эди.

Камолиддин ака билан Расулқорини айниқса, қўконлик санъат шайдолари жуда хурмат қилишарди. Машхур шоирлар Аскарали Чархий ва Собир Абдулла билан уларнинг ижодий ҳамкорлиги жуда самарали кечган. Набихон Чустийнинг жуда кўп ғазаллари Камолиддин ака билан Расулқори репертуаридан жой олган. Шоир ўзининг энг янги ғазалини аввало, бу икки санъаткорга илинар, уларнинг ижросидан ўзи ҳам гоят роҳатланарди.

* * *

Тошкентда ғалати воқеа содир бўлади. Камолиддин Ҳамроқулов билан Расулқори Мамадалиевнинг ашулаларини радиога ёзиб олишда Камолиддин акадан исмини ўзгартиришни сўраб, "Комилжон Отаниёзов Хоразмнинг Комилжони, сиз Фарғонанинг Комилжони бўласиз" дейишади. Шундан қилиб, замона зайли билан икки жўровоз хофиз исми шарифлари ҳамма жойда - концертларда, матбуотда, радиода "Расулқори Мамадалиев билан Комилжон Ҳамроқуловлар" деб тилга олинадиган бўлиб қолади.

* * *

1963 йили академик шоир Ғафур Ғуломнинг 60 йиллик юбилейи республикамизда кенг нишонланади. Фарғона вилоятида ҳам юбилей тантаналари бўлиб ўтади. Бир куни Расулқорининг уйига Ўзбекистон Фанлар Академияси академиклари Ғафур Ғулом, Мухаммад Ўрозбоев, Убай Ориповлар Чархий домла етакчилигида кириб келишади. Хофиз меҳмонларга бир неча ашулалар ижро этиб беради.

Ғафур Ғулом Расулқорини Тошкентда ўтадиган юбилей тантаналарига хизматга айтиш учун келганини билдириб, алоҳида таклифнома бериб кетади (Бу таклифнома ва шоирнинг дастхатли кичик шеърый тўплами хануз Расулқори

хонадонида эсдалик сифатида сақланади). Алишер Навоий номидаги опера ва балет Катта театридаги ижодий кечада ҳам, Ғафур Ғуломнинг уйидаги базмда ҳам ҳофиз бир неча кўшиқлар куйлаб меҳмонларни хушнуд этади (Қамолиддин аканинг юбилейга бора олмаганлигига сабаб - у жарроҳлик амалиётини бошдан кечириб, ашула айтишдан тийилишга мажбур бўлган эди).

Шундай қилиб, Расулқори 1965 йилдан бошлаб ҳамнафаси Қамолиддин ака билан бирга эмас, яққа ўзи ашула айта бошлаган. Қамолиддин аканинг 1946 йили туғилган Раҳимжон исмли ўғли 1966 йили Фарғона санъат билим юртини битириб, туман маданият уйида ишлай бошлайди. Раҳимжон Қамолов отаси ўрнида Расулқорига ҳамроҳ бўлади. Ундан санъат сирларини ўрганади. Икки йилдан кейин у туман ансамбли аъзоси сифатида ўз ишига шўнғиб кетади. Расулқорига ҳаммаҳалласи Қурбон бува ҳамроҳ юрадиган, унга хизмат қилиб, зарур ёрдам кўрсатадиган бўлади.

* * *

1974 йили Фарғона вилоятида янгидан Бувайда ва Учкўприк туманлари ташкил этилади. Натижада Янгиқўрғон ва Учкўприк қишлоқлари туман маркази сифатида ободонлашади. Турли маъмурий, хўжалик ва турар-жой бинолари қурилди, бозорлар кенгайтирилди, аҳолига транспорт хизмати жонланади. Жумладан, Янгиқўрғонда республикамиз туманлари ичида биринчи бўлиб икки қаватли шарқона усулда зебо чойхона қуриб, унга "Гўзал" деб ном беришади (Кейинчалик жуда кўп туман марказлари ва катта кичик шаҳарларда "Гўзал" типидagi чойхоналар бунёд этилган).

Туман раҳбари - меҳнат қаҳрамони, ажойиб инсон Мақсудали Ҳайдаровнинг шахсан тавсияси ва илтимоси билан "Гўзал" чойхонасига нафақадаги Қамолиддин Ҳамроқулов бош ишбоши этиб тайинланади. Чойхона бу табаррук инсон шарофати билан янада фойзга тўлиб турди. Туманга келган азиз меҳмонлар албатта, "Гўзал"га ташриф буюришарди.

Одатда ҳар бир ошхона, музей ёки чойхонанинг эсдалик дафтари бўлади. Азиз меҳмонлардан дил сўзларини ёзиб кетиш талаб этилади. "Гўзал"нинг ҳам хотира дафтари бўлган. Бу дафтар айти кунларда Бувайда тумани тарихи музейи архивида сақланади.

Йиллар ўтиб уларни варақлар экансиз, калбингиз ажиб ҳисларга тўлади. Машҳур инсонларнинг дил сўзлари ўша йиллар тарихини ёдингизга солади. Эсдалик сўзларини шунчаки миннатдорчилик изҳори эмас, балки ажойиб инсон Камолиддин отанинг маънавий портретига чизгилар, шу билан бирга Бувайда тумани аҳлига билдирилган эзгу тилаклар дейин мумкин. Уларнинг айримларини айнан келтириб ўтамиз.

ҚУМРИ

(Бувайда тумани, Янгикўрғон қишлоғи марказида бунёд этилган "Гўзал" чойхонасида, шинамгина қафасчада истикомат қилувчи Қумриқуш ва унинг маҳбубаи жуфти Қумрихон ҳамда мазкур чойхона соҳиби қумридил хофиз Камолиддин шарафига)

Сабаб недурки, савтинг ғамгину мунглуғ, хазин, қумри?
Агарчанди хазиндур, лекин овозинг ширин, қумри.

Ажаб, кулранг либосинг остида бир лаҳча чўғдурсан,
Дилинг ичра яширмишсан муҳаббат оташин, қумри.

Тилинг бирлан дилинг ё дўст оҳангин қилур такрор,
Бу талқин бирла дўстликка чақирдинг эл дилин, қумри.

Агарчи бир сиқим парсан, табиат мўъжизотисан,
Эдинг ишқ оташи ичра самандарга яқин, қумри.

Муборакбод этарман - ёр васлига етибдурсан,
"Гўзал" қошонада бўлдинг куёв бирлан келин, қумри.

Сени табриклашурлар яхши сайраб саъвалар жўрлаб,
Қабул эт, ёру дўстларнинг унутма табригин, кумри.

Баландпарвоз элларни кўриб дилдан хавас айлаб,
Гўзал Фарғонада эл бирла бўлдинг ҳамнишин, кумри.

Муяссар бўлди бизга суҳбат этмоклик Янгиқўрғонда,
Мунаққаш хона ичра хушнавою нозанин кумри.

Мисолин кўрмадик биз Ўзбекистонда маконингнинг,
Ташаббускорига дермиз хар нафас "Минг офарин", кумри.

Дилин кўзи очик булбулларинг келса дуомиз айт,
Насиб бўлса келурмиз суҳбат этмокка тагин, кумри.

Мингу тўккиз юзу ҳам етмиш олтинчи йилу апрель
Эди ўн саккизинчи, ушбу таърих ўчмасин, кумри.

Камолиддин камол топсин деди Чустий азизлар-ла,
Кўшилдинг бу тилакка - хонишинг бўлди ширин, кумри.

Набихон Чустий,
1976 йил, 18 апрель.

* * *

Эсдаликлар дафтаридан. Замонанинг зайли билан,
дўстларим Абдукодир Тиллаев, Алишер Шерматов,
Раҳимжон Камолиддин ўғлининг майли билан
Янгиқўрғоннинг ғурури ва зийнати, республикамизда дoston
бўлмиш халқ хофизини классик мусиқа хазинабони
Камолиддин аканинг "Гўзал" чойхона - кошонасига ташриф
буюрдик.

Келдигу бошимиз кўкка етди, димоғимиз чоғ бўлди. Чунки
ўзбекона Шарқ меъморчилиги ва нақшинкорлик санъатининг
бекиёс асарини - чойхона биносини томоша қилиб, халқ
санъатининг умрбоқийлигига яна бир бор имон келтирдик.
Қалбсиз вужуд ўликдир. Бу кошона, ширин лутф соҳиби,
хушёр, шоиртабиат, чинакам инсон Камолиддин акаси ва

унинг одобли ўғиллари Раҳимжон ва Расулжоннинг беминнат хизматисиз бефайз бўлур эди.

Туман раҳбарларининг халқ меросини қайта тиклаш, санъат ва маданият ривожига ғамхўрлик қилишдаги сайъ-ҳаракатларини ёрқин намоён этиб турган бу кошона, санъат ёдгорлиги меҳмондўст Бувайда тумани меҳнаткашлари қалбини дастурхондай ёзувчи саховат ўчоғи бўлиб қолсин!

Бу кошона ижодкорларига шараф. Унда камарбаста бўлаётган асл инсонларга қуллук.

Ёнгин Мирзо, шоир,

Фаттоҳ Назаров, композитор.

1977 йил, 26 апрель, сешанба, оқшом.

* * *

Эсдаликлар дафтарилан. Ҳар сафар "Гўзал" чойхонасига тушлик қилиш учун кирганимда ажиб ҳислар қуршовида қоламан. Бу ором маскани биносига, деворларга ишланган нақш-нигорларга разм солиб исми жисмига монанд дейман. Назаримда "Гўзал" ўз бағрида бутун гўзалликларни жам этган. У аввало ҳаётимиз гўзаллигининг иникоси. У гўзаллик яратувчи олтин қўлли инсонларнинг меҳнати билан гўзал. У яна Камолиддин ота ва унинг ўғли Расулжонларнинг гўзал муомаласи билан ҳам гўзалдир. Истардимки, гул ҳаёт, санъат, одамийлик ва муҳаббат гўзалликларини ўзида жам этган "Гўзал" доимо гўзал ва файзли бўлсиң.

Шоир Аъзамжон Худойбердиев (Аъзам Ўктам),

туман газетаси ходими.

1979 йил, 18 январь.

Эсдаликлар дафтаридан. "Ўзбекфильм" киностудиясининг бир гуруҳ санъаткорлари Бувайда районининг маркази Янгиқўрғонда 10 кун давомида "Эҳтиёт бўл, илон" номли 2 серияли бадиий фильмни Ўзбекистон халқ артисти, республика давлат мукофоти лауреати Зоҳид Собитов раҳбарлигида суратга олди. Суратга олиш учун Янгиқўрғонни танлаш тасодифий эмас эди. Бугун бу район тимсолида ўзбеклар диёрининг кўркамлиги ва ободонлиги ёрқин намоён

бўлган десак муболага бўлмайди. Бизни ҳайратга солган нарса район меҳнаткашларининг одамийлиги, меҳмоннавозлиги ва бизнинг сермашаққат хизматимизга масъулият билан қараб, ҳар томонлама ёрдам бериб, ишимизнинг ривожига катта хисса қўшганликларидир.

Гуруҳимизнинг аъзолари - Халқ артисти Наби Раҳимов, Ўзбекистон халқ артистлари Ҳамза Умаров, Пўлат Саидқосимов сингари ҳурматли санъаткорларимизнинг ҳаммалари ҳам ўз номидек "Гўзал" чойхонасида ва гўзал муомала ва меҳмондўстликда беназир ҳурматли ҳофизимиз Камолиддин Ҳамроқуловдан ва умуман барча янгиқўрғонликлардан юксак миннатдорлик хиссини олиб Тошкентга қайтмоқдамиз.

Янгиқўрғоннинг меҳри-мухаббати Расулқорининг ўлмас овозидек доимо қалбимизда. Раҳмат сизларга, азиз янгиқўрғонликлар!

Театр ва кино усталари - Зоҳид Собитов, Темурмалик Юнусов, Ҳотам Файзиев, Наби Раҳимов, Пўлат Саидқосимов, Уйғун Тўхтаев.

1979 йил, 13 май.

ХУШ МАКОН ЯНГИҚЎРҒОН

Шу ўринда Камолиддин ота ва Расулқори Мамадалиев нашъу намо топган, ўзбек халқининг энг яхши аъъаналари сақланган, сайқал топган Янгиқўрғон қишлоғи ва унинг машҳур кишилари ҳақида айрим маълумотларни келтиришнинг хонаси келди деб ўйлаймиз.

Янгиқўрғон қишлоғи Қўқон шаҳридан 15 километр нарида, унинг кунчиқарда жойлашган бўлиб, Қўқондан йўлга чиқиб чорраҳа айланасидан ўнг томонга бурилсангиз Риштон, Олтиарик, Марғилон, Фарғонаю Андижон томонларга, чап томонга бурилсангиз Наманган вилоятига боришингиз мумкин. Туманнинг маъмурий ва маданий маркази бўлган бу қишлоқ Жалоер ва Янгиқўрғон қишлоқ фуқаролар йиғинига бўлинган бўлиб, айти кунларда 35 минг аҳоли истиқомат қилади.

Янгиқўрғонда Бувайда тумани ҳокимлиги биноси, бир неча

банк бинолари, кўпқаватли тураржой иншоатлари, 5 минг томошабин сўғадиган марказий ўйингоҳ, спорт ва мусиқа мактаблари бинолари, марказий шифохона, қатор мактаблар, касб-хунар ва педагогика коллежлари, деҳқон бозори, истироҳат боғи, маиший хизмат уйи, автобекат, Янгиқўрғон ип йигирув фабрикаси, қатор тижорат-савдо дўконлари, чойхона ва ошхоналар, кенг ва равон йўллар қишлоқ кўркига кўрк қўшиб турибди.

Янгиқўрғон хунармандлар, дурадгор усталар, миришкор боғбонлар маскани. Бугунги кунда Қўнғирот ва Янгиқўрғон дурадгорлари ясаган ёғоч эшик-деразалар бутун республикамиз аҳолиси томонидан севиб харид қилинади.

Янгиқўрғон аҳли ашула ва мусикани кадрлайди, сўздан завқ олишни, хазил-мутоибани ёктиради, бу ерда аския санъати жуда ривожланган. Яхшилик қилганга ортиғи билан яхшилик қилиш, ваъдага вафо, мухтожга ёрдам қўлини чўзиш бу ердаги ҳар бир кишининг оддий фазилати. Бувайда туманидан қандай раҳбар, олим, шоир ёки санъаткор етишиб чиқиб, республикага танилган бўлса, аввало Янгиқўрғоннинг тарбияси ва танбиҳини олиб шу даражага етган дейиш мумкин.

Филология фанлари докторлари, профессорлар Низомиддин Махмудов, Насимхон Раҳмонов, физика-математика фанлари доктори Абдулҳамид Сиддиқов, психология фанлари доктори, профессор, республика "Оила" илмий-тадқиқот маркази раҳбари Василахон Каримова, тиббиёт фанлари номзоди Юсуфжон Нишонов, қишлоқ хўжалиғи фанлари номзоди Ҳабибахон Тошматова, филология фанлари номзоди Мўминжон Сиддиқов каби олимлар Бувайда тумани халқ таълими жонқуярлари бўлган муаллим ва муаллималар тарбиясини олиб, камол топган инсонлардир.

Машҳур кизикчи ва сўз устаси марҳум Муҳиддин Дарвешовнинг ўспиринлик йиллари Янгиқўрғонда кечган. Аскиячилик ва сўз санъати сирларини Муҳиддин ака Теша кизик ва янгиқўрғонлик аскиячи отахонлардан ўрганган. Кодир Дехқонов, Аъзам Ўқтам, Набижон Мамадалиев,

Мирзо Карим каби таникли шоирлар ҳам Янгиқўрғонда ўз ижодларини бошлаб, элга танилганлар.

Туман аҳли Олияхон Султонова, Мақсудали Хайдаров, Абдуллажон Рўзалиев, Патилахон Эргашева каби меҳнат қаҳрамонлари билан фахрланади, Ўринбой Хайдаров, Исмоилжон Назаров, Содикжон Тўракулов, Абдукодир Алиқулов, Назиржон Ғозиев каби жамоат арбоблари ва хўжалик раҳбарлари номини хурмат билан тилга олади. Юқорида номлари зикр этилган инсонлар туман маркази ва қишлоқларнинг обод бўлишида, халқ ҳаётини фаровонлаштиришда, туманнинг республикамизда хурмат ва эътибор топишида яқиндан ёрдам беришган.

Янгиқўрғон жамоли, маънавий муҳити шоирларга илҳом берган. Чархий ва Чустий каби шоирлар бу қишлоққа бағишлаб ғазаллар битишган. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Йўлдош Сулаймон янгиқўрғон ва янгиқўрғонликлар шайдоси эди. У туманнинг машҳур кишилари ҳақида қатор очерклар ёзган. Журналист Ғуломжон Эрматов эса Янгиқўрғонга бўлган меҳрли туйғуларини шундай сатрларда ифодалаган эди:

Қиёси йўк бир гулшан, хуш макон Янгиқўрғон,
Мевазор боғи чаман, гулга кон Янгиқўрғон.

Кўчалари кўп шинам, бинолари мухташам,
Гузари файзли, кўркам, чароғон Янгиқўрғон.

Ховлилари саришта, хоҳи ёз, хоҳи қишда,
Пешқадамдир ҳар ишда бегумон Янгиқўрғон.

Халқи хўп меҳнатсевар, тўқувчи, зардўз, чевар,
Пахтаси дуру гавҳар, нурафшон Янгиқўрғон.

Кўзни олар қомати, кўрки ҳам таровати,
Истиклолдан омади бир жаҳон Янгиқўрғон.

Завқ олиб гул ҳаётдан, нолимайди хизматдан,
Фақат халол меҳнатдан топар шон Янгиқўрғон.

Қизлари сулув, чаққон, эли ишчи, зўр дехкон,
Шоири - Қодир Дехкон, ғазалхон Янгиқўрғон.

Дилдан айтиб хуш калом, мадхин куйлар бу Ғулом,
Туз берганга минг салом, жонажон Янгиқўрғон.

ДОКТОР ФЕВЗИНИНГ ДИЛ КАЛОМИ

Янгиқўрғонда ўсган, таълим олган крим-татар олими, жамоат арбоби, техника фанлари доктори Февзи Ёқубов ўзининг "Эзгуликка қўйилган хайкал" номли мақоласида куйидаги ҳароратли сўзларни битгани бежиз эмас:

"Жаҳон тамаддуни ютуқлари ҳақида сўз борганда, одатда, Юнонистон ва Италиянинг фанга, Англия ва Франциянинг маданиятга, Германия ва Американинг техникага, Япония ва Швециянинг технологияга қўшган ҳиссаси эсланади. Агар шу рўйхатни давом эттириб, эзгулик, тинчлик, атроф-муҳитга муҳаббат тўғрисида гап борса, Ўзбекистонни тилга олмаслик мумкин эмас. Агар ана шу бебаҳо инсоний қадриятлар юзасидан рейтинг ўтказиладиган бўлса, мен аминманки, бу борада Ўзбекистон ва ўзбек халқи энг юқори даражага эришган бўлар эди.

Дўстлик бу халқ маънавиятининг бир кўриниши, холос. Аммо у нақадар беқиёс. Ўзбек оиласи қанча-қанча бегона фарзандларни ўз боласидек тарбиялаб вояга етказмади! Рус, украин, белорус, татар, чуваш ва бошқа миллатларнинг болаларини асраб-авайлаб, ота-оналарига соғ-саломат қайтариб, уларга қанчалик қувонч ҳадя этмади дейсиз, бу халқ. Мана шу фазилатнинг ўзи билан ўзбеклар жаҳон тамаддунига нечоғли улкан ҳисса қўшгани ҳақида ўйлаб қоламан.

Ўзбекнинг бағрикенглиги ҳар қандай шиорбозликдан баланд туради. Ўзбек тупроғининг ҳар бир қаричи саховат билан нафас олади. Бугун интеллектуал бойликка қизиқиш катта. Кимдир қайсидир машхур мусаввирнинг ноёб асарини сотиб олишга бор жамғармасини беришга, тайёр. Кимдир янги спектакль томошаси учун махсус самолётда ҳатто

Италиянинг Милан шахрига учиб боряпти. Мен эса Қримда туриб имконият бўлиши билан Қўқонга, Бувайдага, Янгиқўрғонга, Жалойир ва Жийдалига шошаман. Ўз фалсафаси билан ахлоқий тушунчаларимнинг шаклланишига турки берган, хозир мени соғинчи ўртаётган самимий кишиларни, кексаларни кўришга интиламан. Уларнинг беғубор ва ичакузди аскиялари, халқ театри томошаларини кўмсайман. Қишлоқ тўйларида бўлишни истайман.

Сиздан илтимос, агар сиз Ўзбекистонда бўлсангиз, албатта Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкентдан хайратланиш билан биргаликда қишлоққа, ўзбек оиласига ва маҳалла чойхонасига кириб ўтинг. Шундагина бу халқнинг юксак маданиятини ўз кўзингиз билан кўрасиз, унинг илдизи не чоғли теран эканини англаб етасиз.

Ўзбекларда шахс тарбияси билан боғлиқ ҳамма нарса оиладан бошланади. Оилага муносабат бу - жамият маънавиятини белгиловчи бош мезон. Уй қуриш, тўй-хашамлар, диний маросимлар ўтказишда бир бирини қўллаш, моддий ва маънавий кўмаклашиш, хашар ўзбекларнинг энг улуғ одатларидир. Бу амалларда миллатнинг маънавий қиёфаси, том маънодаги бойлиги ва гўзаллиги намоён бўлади.

Бу халқ ота-онани бениҳоя кадрлайди. Бу ҳақда кўплаб шеър ва ғазаллар ҳам битилган. Чойхонада, дўстлар даврасида бу хусусда қандай суҳбатлар бўлишини эшитганмисиз? Ёшлар учун ҳам, катталар учун ҳам ота-она ризосини топишдан ортиқ бахт йўқ. Шундай маънавий муҳитда ўсганим, Тошкент политехника институтида таълим олганим, турли мамлакатлардан келиб дарс берган, бирга ўқиган биродарларимнинг ўзбеклар ҳақидаги эътирофларига гувоҳ бўлганим, бу меҳмондўст халқ билан бирга яшаганим учун тақдиримдан минг марта розиман".

Февзи Ёқубов, техника фанлари доктори, Украина Республикаси, Қрим давлат муҳандислик педагогика университети профессори. (Эзгуликка қўйилган ҳайкал. "Тафаккур" журнали. 2005 йил. 3-сон. 22-29-бетлар.)

Бу сатрларни ёзишдан, азиз кишиларнинг самимий сўзларини келтиришдан мақсад шуки, Камолиддин ака билан Расулқори Мамадалиев мана шундай маънавий муҳитда ўсиб-улғайган, халқимизнинг энг яхши фазилатларини ўзларига сингдиришган. Назм бу икки санъаткор учун кўнгил малҳами, куй эса рухий озиқ бўлган. "Сўз чамани ичра наво кўргизиб" (Алишер Навоий сатри) халқ дилидан жой олган бу икки санъаткор шавқу илҳомни Янгиқўрғоннинг меҳридарё инсонлари тафтидан олишган.

Камолиддин бува узоқ умр кўрди. 1999 йили 89 ёшида бу дунёдан рихлат қилди. У умри охиригача адабиёт, санъат, мусиқа дунёсида яшади. Пири бадавлат отахон ўнлаб набира ва чеваралар кўриб, уларни тарбиялашга ўз хиссасини қўшди. Мустақиллигимиз нашидасини сурди.

УНУТИЛМАГАН ЛАҲЗАЛАР

Мен ҳам (И.О.) Камолиддин бувани яхши эслайман. 1975-79 йиллари Фарғона давлат педагогика институтида ўқиб юрган пайтимда "Фарғона-Кўкон" маршрутидаги автобусда Янгиқўрғондан Фарғонага, Фарғонадан Янгиқўрғонга қатнар эдим. Айниқса, қиш кунлари Фарғонадан Янгиқўрғонга келсам, тўғри "Гўзал" чойхонасига кирар эдим. Аввало исиниб олардим, кейин эса Камолиддин бува дамлаб берган новвотли чойдан ичиб, ширин қатик, мурч ва кўкатлар солинган маставаю гўжаошлардан танаввул қилиб, сўнг қишлоғим - Окқўрғонга кетар эдим. Чустийнинг юкорида келтирилган "Кумри" радибли ғазалини илк бор мана шу чойхонада, машинкаланган, ойнакли рамкага солиниб, деворга осиб қўйилган холда ўқиган эдим. Орадан 35 йил ўтиб уни китобда эълон қилиш менга насиб этганини қаранг!

Расулқори Мамадалиевни эса икки марта, биринчи марта 13 ёшимда 1970 йили, август ойида Янгиқўрғонда, иккинчи марта 1974 йили Окқўрғонда кўрганман. 1970 йилнинг ёзида Янгиқўрғон қишлоғида кўп йиллар хўжалик раҳбари бўлиб ишлаган меҳнат фахрийси Исмоилжон Назаровнинг 60

йиллик юбилейи бўлиб ўтди... Аввал бу киши ҳақида айрим маълумотларни айтишим зарур экан: Исмоилжон ота онаминг тоғаси - Собирахон энамизнинг иниси эди. У Окқўрғон жамоа хўжалигида бухгалтер, қўшни Бештерак қишлоқ кенгаши раиси лавозимларидан ишлаб, 1946-1947 йиллари Тошкентда таҳсил олган, сўнг Риштоннинг Амиробод ва Зоҳидон қишлоқларидаги жамоа хўжалиги раиси бўлган. 1958 йилдан 1971 йилгача - нафақага чиққунга қадар эса Бувайда туманидаги "Шарқ юлдузи" жамоа хўжалиги бошқаруви раиси эди (Унинг ўғилларидан бири Олимжон Назаров бир неча йил Бувайда тумани ҳокими лавозимида ишлаган, Республика Олий Мажлиси депутати бўлган).

Биз Исмоилжон отани "Раис катта" деб атар эдик. Каттамиз жуда меҳрибон, тўғрисиўз, кўркам жуссали, доим озода кийинадиган киши эди. Бировга қараса кўзига тик боқадиган, худди шердек салобатли эди. Оқ-сарик юзидан нур ёғилар, табассум қилганда янада жозибали кўринар эди. У киши Камолиддин бува билан тенгдош, улфат эди. Раҳматли 1976 йили 66 ёшида вафот этди.

"Раис каттамиз"нинг ховлиси Янгиқўрғон марказида, автобекат яқинида, катта йўлнинг бўйида, Расулқорининг ховлиси эса уларнинг уйдан кунчиқар томонда, 500 метр наридаги ичкари кўчада эди. Бир куни ота-онамиз, қариндош-уруғлар билан биз ҳам юбилей-базмга келдик. Кечки салқин тушганда базм бошланди. Туманимизнинг барча катта-кичик раҳбарлари, раислар, дўст-ёр жамул жам. Ҳовлига стол-стуллар терилиб, дастурхон тузалган, унинг тўрисиغا баланд сахна қилинган. Томошабинларга санъаткорлар яхши кўришиб туриши учун сахна устига катта сўри қўйилган бўлиб, унга зинапоя орқали чиқилади. Сўрига қизил гилам тўшалиб, атлас тўшақлар солинган.

Сўри ўртасига хонтахта қўйилган бўлиб, нону патир, қатлама, сомса, ёзнинг неъматларидан анвойи дастурхон безатилган. Сўрида Расулқори Мамадалиев билан бошқа ҳофизу созандалар савлат тўкиб ўтиришибди. Расулқори оппоқ яқтак кўйлак устидан коп-қора "слон" тўн кийган, белига қарғашохи атласдан белбоғ боғлаб олган. Бошида -

яп-янги қўқондўппи. Қора қошларини чимириб, танбурини чертиб кўшиқ айтади.

"Дилраболардин", "Ўн саккиз ёшиндадур", "Фарзандим асал-қандим", "Ушшоқ", "Дилраболар", "Айлай десам" каби ашулалар ижроси хануз қулоғим остида жаранглайди. Кўшиқ ўртасида табрик сўзлари, аскиячилар чиқишлари бўлиб турган. Базмга Муҳиддин Дарвешов ҳам келиб, роса одамларни қулдирган.

Расулқорини иккинчи марта Оққўрғон қишлоғидаги ёзги клубда, туман "Табассум" ашула ва рақс ансамбли концертида кўрганман. Ўшанда қори акани дастур финалига қўйишган бўлиб, одамлар қайта-қайта ашула айттиришган. Қори ака охири Эркин Воҳидовнинг "Ўзбегим" қасидасини ижро этиб берган. Қасида сўнгидаги

Бу қасидам сенга, халқим, оқ суту нон хурмати,

Эркин ўғлингман қабул эт, ўзбегим, жон ўзбегим
байтини айтиб бўлгач, нақорат сифатида "Расулқорингман қабул эт, эй Оққўрғон ўзбегим" деганда томошабинлар кийкириб, қарсак чалиб узок вақт олқишлаган эди.

ОЛТИН ОВОЗ – ОЛТИН МЕРОС

Расулқори Мамадалиев ўзининг узок йиллик ҳамнафаси Камолиддин (Комилжон) Ҳамроқулов билан бирга жуда кўп мумтоз ва халқ кўшиқларини ижро этган. Уларнинг кўпчилиги Ўзбекистон радиоси фондларида аудиокассета тасмаларига ёзиб олинган. Концерт ва тўйларда ижро этилган кўпгина ашулалари эса мухлислар томонидан ёзиб олинган аудиомагнитофон тасмаларига муҳрланган. У яшаб ўтган уйда эса барча мероси авайлаб-асралади. Фарзандларининг айтишига кўра, Расул қорининг ўзи доимо "Днепр" русумли магнитофон тутган, ўз ашулаларини ёзиб қўйиш учун тинимсиз аудиокассета сотиб олган (Ўша пайтларда бир дона аудиокассета нархи 5 сўм эди). Ўзи куйлаб, ўзи магнитофонга ёзиб қўйган. Уларни бўш вақтида қайта тинглаган, янги оҳанглар топган.

Кўпгина ашулаларнинг матнларини аввал фарзанд ва шогирдларига ўқитиб, эшитиб ёдлаган. Ёдлаган матнларни

ўқиб магнитофонга ёзиб борган. Сўнг қайта эшитиб, унга куй басталаган. Хуллас, магнитофон кўзи ожиз Расулқорининг қалам-ручкаси, ўқийдиган китоби, ижод воситаси, овунчоғи, дардкаши бўлган. Ижодхонаси эса хусусий овоз ёзиш студияси эди. Ҳисоб-китобларга кўра айна кунларда фарзандлар кўлида ҳофизнинг 200 номдаги 700 дан ортик (кўпгина ашулалар ёзуви такрорий ҳолда) ашуласи, чалган куйлари, ифодали ўқиган ўнлаб ғазаллар ёзувлари сақланади.

1965 йилгача қандай ашула ёзиб қолдирилган бўлса, улар Камолиддин ака билан Расулқори жўровозлигида ижро этилган ашулалар саналади. 1966 йилдан то 1976 йилгача ёзиб олинган асарлар бўлса, Расулқорининг ўзи айтган саналади. Айрим кассеталарга ёзилган асарлар халқ чолғу ансамбли жўрлигида ижро этилган ашулалардан ташкил топган бўлиб, улар республика радиоси томонидан жуда тиник ва сифатли ёзиб олинган.

Аудиокассеталарга ёзилган кўпгина кўшиқлар турли тўй-базмларда, тадбирларда жонли ижродан ёзиб олинган. Кўпгина кассеталарга куй, ашулани ҳофиз ўз ижодхонасида танбур чертиб куйлаб ўзи ёзиб олган.

Уларни куйлашдан аввал баъзан "Сиз Расулқори Мамадалиев ва Комилжон Ҳамроқуловлар ижросида ўзбек халқ мумтоз кўшиқларидан тинглайсиз, фалончи шеъри, фалончи мусиқаси" деб изоҳ берган. Баъзан "Ҳурматли радиоэшитувчи ўртоқлар, сиз Расулқори Мамадалиев ижросида ўзбек халқ кўшиқларидан тингладингиз, фалон йил, фалончи сана" деб тушунтириш берган. Кўпгина ижролардан аввал "Фалончи шеъри, халқ куйи" деб изоҳ берилган ўринлар ҳам учрайди. Айрим ашулалар эълон қилинганда матндаги биринчи сўз ёки ғазал радифи сарловҳа қилинган (масалан, "Айлай десам". Фурқат ғазали). Айрим ашулалар эса куй номи билан бериб кетилган (масалан, "Мўғилчаи дугоҳ". Навоий ғазали).

Ҳофизнинг фарзанди Содикжоннинг айтишича, ўша пайтларда Расулқори ўзи оригинал мусиқа яратган бўлса-да, муаллифлик даъвосидан воз кечиб, "халқ куйи" деб кўя қолган.

Бетакрор овоз ва ижро соҳибининг кўшиқлари матнларини мазмун ва мавзу жиҳатдан уч туркумга ажратиб кўрсатиш мумкин: 1. Маърифий-ирфоний мазмундаги асарлар. 2. Дидактик, панд-насихат руҳидаги асарлар. 3. Мажозий ишқ-муҳаббат тараннум этилган асарлар.

Хофиз меросини мусикий ижро жиҳатдан тўрт туркумга ажратиш мумкин: 1. "Шашмақом" ва мақом йўлидаги, анъанавий ижрочиликка мансуб мумтоз асарлар (Масалан, "Гулузорим", "Баёт-2", "Баёт-4", "Тошкент ироғи", "Насруллои", "Мўғилчаи дугоҳ", "Дугоҳ-2", "Насри баёт"). 2. Халқона, ёввойи усулдаги асарлар ("Дилраболар", "Фарзанд учун", "Фарзандим - асал-кандим", "Назардан қолмасин", "Нечук жонсан?", "Ибрат килиб", "Мехрибонингдур", "Акли расоларнинг иши", "Сиздан сўраб бўлурму?"). 3. Халқ дostonлари, халқ оғзаки ижодидан олинган ва бахшиёна асарлар (Масалан, "Айрилмадиму", "Яхши", "Ўғилсиз бўлмасин", "Кўнгил", "Қадрин билмаган", "Кийикнома"). 4. Бастакорлар ижодидан олинган асарлар (Масалан, "Бўлурму хай-хай", "Дарёча бор", "Бозургоний", "Ойдек зиё этар", "Фарғона тонг отгунча").

Расулқори Алишер Навоий ва Чустий ижодига жуда кўп муурожаат қилган, ўзи ҳам халқ куйлари асосида ўнлаб янги ашулалар яратган.

Йиллар ўтиб магнит тасмалари эскиради, сифати бузилади. Шунинг учун улардаги ноёб ашулаларни замонавий овоз ёзиш воситаларига кўчириб олиш зарур эди. Расулқори меросининг аксарияти компьютер ёрдамида шовкинлардан тозаланиб, электрон дискларга "МП-3" форматида қайта кўчирилди ва кўпайтирилди. Натижада ноёб меросга иккинчи умр бахш этилди.

2010 йили Тошкентда Расулқори Мамадалиевнинг энг сара 80 та кўшиғи МР-3 форматида дискка кўчирилиб, кўпайтирилди. Қолган ашулалари ҳам электрон дискка кўчирилмоқда.

Куйидаги таснифда Расулқори Мамадалиев ижро этган ашулалардан бир қисмининг номлари (бастакорлар ва матн муаллифлари исми шарифлари) келтирилди:

№	Ашула номи	Бастакор исми шарифи	Матн муаллифи
1.	Айлай десам	И.Икромов	Фуркат
2.	Яхши	Халк куйи	“Гўрўгли” дostonидан
3.	Дилраболар	О. Нуриддинов	Камтар
4.	Фарзанд учун	К.Баротов	Чустий
5.	Кўрармен	Р.Мамадалиев	Алишер Навоий
6.	Бозургоний	А. Абдурасулов	Фазлий Намангоний
7.	На килдим	М. Баходиров	Хувайдо
8.	Ун саккиз ёшиндадур	М.Муртазоев	Алишер Навоий
9.	Насруллои	Мумтоз ¹ *	Алишер Навоий
10.	Малаксан ё башар ё	Ҳ.Тўхтасинов	Маишраб
11.	Мўгилчай дугоҳ	Мумтоз	Алишер Навоий
12.	Қоши “ё”синму дейин	О.Хотамов	Алишер Навоий
13.	Топмадим	С.Калонов	Алишер Навоий
14.	Ҳаргиз (“Рост” Сабоси)	Мумтоз	Алишер Навоий
15.	Гулузорим	А.Абдурасулов	Алишер Навоий
16.	Насри Баёт	Мумтоз	Бобур
17.	Сувора	Мумтоз(Она Сувора, Хоразм.)	Алишер Навоий
18.	Бухоро “Ироғ”и	Мумтоз	Алишер Навоий
19.	Фарзандим	Ф.Умаров	Ёнгин Мирзо
20.	Бўстондир бу	Мумтоз	Алишер Навоий
21.	Салламно	Н.Ҳасанов	Чархий
22.	Кўқон ушшоғи (Юзинг фирокида)	О.Хотамов	Алишер Навоий
23.	Бўлмаи туриб	Р.Мамадалиев	Чустий
24.	Айрилмадиму	Халк куйи	“Гўрўгли” дostonидан
25.	Марсия (Ж.Султонов ва М. Узоқовлар хақида)	О.Хотамов	Салоҳий
26.	Ғам бўлмасин	Р.Мамадалиев	Чустий
27.	Угилсиз бўлмасин	Халк куйи	Халк сўзи
28.	Назардан қолмасин	Р.Мамадалиев	Чустий
29.	Нечук жонсан	О.Хотамов	Хувайдо
30.	Ибрат килиб	Р.Мамадалиев	Хувайдо
31.	Меҳрибонингдур	О.Хотамов	Мушкин
32.	Ойдек зиё этар	О.Хотамов	Мушкин
33.	Ақли расоларнинг иши	О.Хотамов	Камтар
34.	Сиздан сўраб бўлурму	О.Хотамов	Чустий
35.	Ҳай-ҳай	Н.Қулабдуллаев	Саида Зуннунова
36.	Соғиндингму	Н.Қулабдуллаев	Камтар

¹ Мақом ва мақом-бўлларидаги куйлар “Мумтоз” шаклида берилди – И.О.

37.	Ҳиммат бўлмаса	Р.Мамадалиев	Ҳазиний
38.	Дема	Халқ	Камтар
39.	Келадур	Халқ куйи	Машраб
40.	Қадам кўймам	Халқ куйи	Исмоил қори
41.	Сандин ўзга	Халқ куйи	Аҳмад Яссавий
42.	Билолмасман	Халқ куйи	Аҳмад Яссавий
43.	Ҳижрат қил	Халқ куйи	Ҳазиний
44.	Кийикнома (Манзума)	Халқ куйи	Назирий
45.	Бегоналардан ҳам	О.Хотамов	Чустий
46.	Эҳтиёж (Дугоҳ-4)	Мумтоз	Нодира
47.	Отам	О.Хотамов	Комил Жўра
48.	Галдир (1.2)	Мумтоз	Фуркат
49.	Дилдорим ўзинг	О.Хотамов	Маъруф Қориев
50.	Кезарман	Ғ.Тошматов	Алишер Навоий
51.	Гулистоним қани	Халқ куйи	Атоий
52.	Вафо қилур (Дугоҳ)	Мумтоз(Хоразм)	Камтар
53.	Билмамму (Сувора)	Мумтоз (Хоразм)	Муқимий
54.	Чапандози Баёт	Мумтоз	Алишер Навоий
55.	Аҳбоби билан	Мумтоз	Собир Абдулла
56.	Куйгай	Ю.Ражабий	Ҳамид Олимжон
57.	Даромади ушшоқ	Мумтоз	Жомий (форсий)
58.	Айлансин	Халқ куйи	Мискин
59.	Ернинг васли эмас	Мумтоз	Нодира ғазалига Ғарибий тахмиси
60.	Ишқ сели	Т.Жалилов	Собир Абдулла
61.	Дерман	И.Қаландаров	Завкий
62.	Жафо қиладур.	Халқ куйи	Маҳжур ғазалига Зокир тахмиси
63.	Оқил эрмас киши	Мумтоз	Убайдий ғазалига Сабрий тахмиси
64.	Дармондан ортик	О.Хотамов	Сулаймон Боқиргоний
65.	Кўнги	Халқ куйи	“Гўрўгли” достонидан
66.	Қадрин билмаган	Халқ куйи	“Гўрўгли” достонидан
67.	Ҳожат эмас	О.Хотамов	Машраб
68.	Дермусан	О.Хотамов	Машраб
69.	Гапирманглар	И.Усмонов	Чустий
70.	Вафосин кўрмадинг	Мумтоз	Алишер Навоий
71.	Дилоромим менинг	Мумтоз	Муқимий
72.	Айладинг	Мумтоз	Муқимий
73.	Камдур	О.Хотамов	Салоҳий
74.	Дилраболардин	Ж.Султонов	Адоий
75.	Дугоҳ (1)	Мумтоз	Фузулий
76.	Бебокча	А. Абдурасулов	Муқимий

77.	Лола кўксидек	Мумтоз	Фазлий
78.	Бош устина (Феруз-2)	Мумтоз	Огахий
79.	Эй нигоро	Мумтоз	Муқимий
80.	Айладинг, кетдинг	Халқ куйи	Муқимий
81.	Ажрама	Р.Мамадалиев	Чустий
82.	Ушшок	Мумтоз	Алишер Навоий
83.	Самарқанд ушшоғи	Мумтоз	Жомий
84.	Ўзбегим	Р.Мамадалиев	Эркин Воҳидов
85.	Фарғона тонг отгунча	М.Муртазоев	Ҳазиний
86.	Тонг отгунча	С.Калонов	Ҳазиний газалига Дилафкор тахмиси
87.	Қадрини	Халқ куйи	Ҳазиний
88.	Шоҳи Жарир	Халқ куйи	Ҳазиний
89.	Айлай десам	Ж.Султонов	Алишер Навоий
90.	Индамаслар олами	О.Хотамов	Чустий
91.	Жунун водийсига мойил	С.Холдорхўжаев	Алишер Навоий

Ҳофиз танбурда ижро этган, ёзиб қолдирилган куйлар

№	Куйнинг номи	Бастакор исми- шарифи
1.	Гулёр	Халқ куйи
2.	Наврўзи ажам	Халқ куйи
3.	Чўли ирок	Халқ куйи
4.	Гулузорим	А. Абдурасулов
5.	Тўрғай	Халқ куйи
6.	Шаҳноз	Халқ куйи
7.	Салламно	Н.Ҳасанов
8.	Тановор	Халқ куйи

ХОФИЗ МЕРОСИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

Ўзбек кўшиқчилик ва мусиқа ижрочилиги тарихи бўйича, уларнинг мохир ижрочилари мероси хусусида жуда кўп илмий тадқиқотлар ёзилган. Бу ўринда Абдурауф Фитрат, Юнус Ражабий ва Риски Ражабий тадқиқотларини эслаб ўтиш мумкин. Ўзбек мусиқа ва ашула ижрочилиги асосан Фарғона-Тошкент ва Хоразм мактабига бўлиб ўрганилганига гувоҳ бўламиз.

Расулқори Мамадалиев Фарғона-Тошкент йўлида ижод қилган санъаткорлар сирасига киради. Унинг ижодини ўрганиш хофиз ҳаётлик чоғида бошланган. Газета ва журналларда унинг бетактор ва кучли овози, ижро услубининг ўзига хослиги, хофизнинг сўз танлашдаги маҳорати тўғрисида мақолалар босилган. "Ўзбекистон миллий энциклопедияси"да Расулқори Мамадалиев ҳақида мухтасар маълумот берилган.

Санъатшунос журналист Шерали Сокин республика матбуотида хофизнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида чиройли мақола эълон этган эди.

Р.Мамадалиев ижодини илмий жиҳатдан ўрганишда санъатшунослик номзоди, Ўзбекистон давлат консерваторияси "Мусикий шарқшунослик" кафедраси мудири Соибжон Бегматовнинг ўз ўрни бор. У ўзининг 1994 йили ҳимоя қилган "Фарғона водийси хофизлик анъаналари (Содирхон хофиз, Жўрахон Султонов ва Расулқори Мамадалиев ижоди мисолида)" мавзуидаги диссертациясида Расулқори Мамадалиев ижодига алоҳида боб ажратган эди. С.Бегматовнинг 2008 йили "Мусиқа" нашриётида босилган "Хофизлик санъати" тадқиқотлар тўпламида Расулқори Мамадалиев биографияси ва ижрочилик маҳоратига чизгилар берилган. Тадқиқотчини улуғ хофиз ижодий лабараториясига чуқур кириб борган биринчи санъатшунос дейиш ўринлидир.

Санъатшунослик доктори Отаназар Матёқубов ўзининг "Мақомот" монографиясида ўзбек мумтоз ашулачилик санъати тарихини ёритиб берар экан, асарнинг "Устозлар тазкираси" бўлимида Расулқори Мамадалиев ижодига юқори баҳо бериб, хофиз номини хурмат билан тилга олади.

Ёзувчи ва журналист Саид Анвар "Жаннатмакон" журналида (2010 йил, апрель) "Расулқори Мамадалиев" номли хотиралар туркумини эълон қилиб, хофизга тегишли фотосуратларни журналхонлар эътиборига хавола қилди. Бу хотира-мақола хофиз биографиясини хронологик тарзда ўзига хос усулда ёритиб берганлиги билан аҳамиятлидир.

Кўринадики, Расулқори Мамадалиев ҳаёти ва ижоди ҳақида шу пайтгача бир неча ишлар қилинган бўлса-да, алоҳида рисола ёки китоб босилган эмас. Бизнинг бу ёзганларимиз юқорида эслатиб ўтилган мақола ва тадқиқотларнинг давомидир. Келгусида хофиз мероси илмий жиҳатдан яна ўрганилади, "Расулқори Мамадалиев замондошлар хотирасида", "Расулқори ижро этган ашулалар баёзи" номли алоҳида китоблар дунё юзини кўради, деган умиддамиз.

ХОТИРАЛАР

Расулжон Камолов
*(Хофиз Камолиддин Ҳамроқуловнинг ўғли,
маданият ходими.)*

ОТДОШИМ ҲАҚИДА БИР ШИНГИЛ

Ўзбек мумтоз кўшиқчилигининг юксак билимдони ва ижрочиси, машҳур эл суйган хофиз, бекиёс овоз сохиби, аския санъатининг устаси, оташнафас инсон Расулқори Мамадалиев ҳақида қанчадан-қанча хотиралар ёзсам камдек туюлади.

Аввало, Қори ака кўп йиллар мобайнида менинг падари бузрукворим Камолиддин (Комилжон) Ҳамрақулов билан бирга ижод қилишиб, ҳамнафаслик қилишган. Раҳматли хофизни болалигимдан, эсимни таниганимдан то вафот қилгунга қадар (1976 йил, 11 декабрь) кўп маротаба суҳбатларида, давраларда, турмушнинг барча жабҳаларида ёнида ва яқин атрофида бўлганман. Қори аканинг хотира кечаларини ўтказишда, тадбирларда, давра суҳбатларида

хамда маросимларининг бир қанчасида иштирок этганман, гувоҳи бўлганман. Қори ака тўғрисида менда шунчалик манба ва маълумот кўпки, агар ёзаман десам бир қатта китоб бўлади (Мен хотиралар китобини ёзишга бир неча марта киришганман, аммо ёзувчи Йўлдош Сулаймон бир куни Янгикўрғонга келганларида, ўзаро суҳбат чоғида "Расулжон ука, мен Расулқори ҳақида қисса ёзмоқчиман, насиб бўлса тезда қоғозга тушираман", деганлари учун, катта адиб ёза қолсин, деб аҳдимдан қайтган эдим. Афсуски, Расулқори ҳақида Йўлдош аканинг қайнарбулок каламидан қисса ўқиш бизларга насиб этмади. Агар Йўлдош ака ёзганларида борми, сизу бизга гап қолмас эди).

Иккинчидан, менинг исмимни Расулқори акага ҳавас қилишиб, дадамлар Расулжон деб қўйишган. 1958-1959 йилларни эсламан: 6 ёшлигимда Қори ака ва дадам бўш вақтлари бўлди дегунча, ҳатто ҳар куни ҳам репетиция қилишарди. Раҳматли Қори ака паловни жуда яхши кўрардилар, репетиция бошланмасдан қўй гўшти, қўй ёғи олдириб келтириб, ошни буюртириб қўярдилар ва ошни еб олиб яна машқни давом эттиришар эди.

Ашулани ижро этишдан олдин ғазал ёки шеърни чуқур таҳлил қилишар эди. Дадам адабиёт ўқитувчиси бўлганлиги сабабли ғазал ҳоҳ араб алифбосида, ҳоҳ кирил алифбосида бўлсин, жуда шошмасдан ифодали қилиб ўқиб берарди. Қори ака ўнг қўлини пешонасига қўйган ҳолда диққат билан тинглар ва мулоҳазалашиб, фикрлашиб ашулани бошлашарди.

Раҳматли Қори ака "МАГ", "Днепр" русумли магнитофонларига қўшиқларини ўзи ёзарди. Ёзганда ҳам жуда сифатли қилиб ёзар ва магнитофонни бемалол бошқарар, унча-мунча нуқсонларини ўзи тузатиб қўяверарди. Мен оиланинг кенжа фарзанди бўлганлигим учун сал шўҳроқ эдим. Қори ака иккимиз бир биримизни "Адаш" деб чакиришар эдик. Бир куни менга танбиҳ беришиб:

- Энди жим ўтиргин, хозир "магнитофонга ёзамиз" - дейишди.

Мен жимгина ўтирдим. Битта-иккита ашулани қайта-қайта

магнитофонга ёзишмоқда эди, учинчи ашулани айтишадганди Қори аканинг танбуридаги биринчи симнинг бир учи узилиб кетди.

- Адаш, сизникини сими узилиб кетди, деб бақирдим. Мен ўшанда ёзув бузилмасин, деб ўйлабман-да. Шунда Қори ака: "Ҳозир дадангизникини ҳам узиб оламиз", деди-да магнитофонга яқинлашиб, "стоп" тугмачасини босди. Кейин дадамга қараб кулги билан:

- "Бебокча" ҳам бокча бўлди-ку, деди.

Унга жавобан дадам:

- Қоринлар ҳам тахча бўлиб қолди, тушлик қилсак ҳам бўлаверади,- дедилар.

Қори ака эса:

-Тушдан кейин эса "ироқ"ча қиламиз, - дедилар. Шунда дадамлар:

-Тушликка кетдик фироқча қилмасдан, - дейишди-да, кулишиб-кулишиб ҳаммамиз биргаликда палов егани чиқдик.

Расулқори аканинг асли ота юрти Бағдод туманидаги Дашт кишлоғидан. Ўша 1920-25 йиллардаги оғир турмуш уларнинг оиласини Жалолобод вилоятининг Сузук кишлоғига бориб қолишга мажбур қилди. Расулқори ака 1927 йилда йилда ўша ерда таваллуд топади. Унинг дунёга келиши ота-онасининг юрак-бағрини эзиб, тилка-пора қилади. Чунки бола кўзи ожиз бўлиб дунёга келган эди.

Расулқорининг ота-онаси ҳали у ёшлигидаёқ бандачиликни бажо келтирадилар ва у энаси қўлида қолади. Унинг болалиги ҳам бошқа болаларникидан фарқи ўларок кечади. Ёш Расулқори энаси билан бирга Марғилонга келган пайтда ҳали эл танимаган ёш санъаткорнинг келгуси ҳаёти учун муҳим аҳамиятга молик воқеа бўлиб содир бўлади. Бир йиғинда Расулқори ашула айтади, мухлислар ичида ўтирган санъат мутасаддиларидан бири уни Тошкентга - Республика Филармониясига олдириб кетади. Лекин бўлгуси хофиз бу ерда узоқ ишлай олмайди. Бир томони ожизлик, қолаверса, етимлик ва уруш қийинчиликлари, бошқа сабаблар билан Тошкентдек шаҳри азимда яшаш осон эмас эди.

У ота юртидаги яқинларини қидириб топиш мақсадида

Кўконга, Кўқондан, Янгикўрғонга келади-да чойхонага киради, чойхоналар ўша даврларда (хаттоки яқингача ҳам) тарғибот-ташвиқот маркази ва мусофирхона, яъни меҳмонхона вазифасини ўтайдиган гавжум, серзавқ, сурурли гўша бўлиб, уларда тез-тез кўшиқвозлик, аскиявозлик ва турли-туман кўнгилочар ўйинлар бўлиб турарди. Ўзининг латиф кўшиқлари ва аскияга зехни тезлиги билан Расулқори ака тез кунда эл назарига тушади.

Энди икки оғиз сўз уни асраб олган Мамадали бува ҳақида.

Асли янгикўрғонлик бўлган Мамадали бува Раҳимбоев асосан дехқончилик билан шуғулланган, санъатга жуда иштиёқи баландлиги боис ўз сафдошлари Имомназар бува, Боқивой бувалар билан ҳамкорликда ҳар хил тўй хашамларда ва чойхоналардаги гурунгларида катта ашула ижро этар эди. Мамадали бува бир неча фарзанд кўрган, аммо фарзандлари ёш вақтида вафот топиб кетади. Рафиқаси Ҳадича опага Расулқорини фарзанд қилиб олиши тўғрисидаги дўстлари ва ўз фикрини изҳор этади. Ҳадича она ҳам умр йўлдошининг ушбу фикрини жуда хурсандчилик билан қабул қилади. Расулқори эса маҳалла-кўй гувоҳлигида ушбу оиланинг севимли фарзанди бўлишга розилик беради. Расулқори ушбу оилада униб-ўсади ва вояга етади. Кейинчалик уни шу ерлик Кимёхон исмли қизга уйлантиришади.

Уруш ҳам тугаб дадам Камолиддин Ҳамроқулов уйга қайтиб келади ва яна ўқитувчилик фаолиятини давом эттиради. Болаларга таълим бериш билан бир қаторда кўшиқлар куйлаб турарди. Кунлардан бир куни Мамадали бува Имомназар бува ва Боқивой бува уни Расулқори ака билан биргаликда ашула айтқиздиришади. Овозларининг бир-бирига жуда мос тушганлигини олқишлашиб уларга оқ фотиҳа беришади. Икки хофиз шу кундан эътиборан ижодий ҳамкорликни бошлаб юборадилар. Улар ўз устида жуда кўп машқ қилишар, то кўшиқлар маромига ётмагунича қайта-қайта айтишар, машғулотлардан сира чарчамас ва зерикшмасди. Тез орада ўз мухлисларига эга бўлишади. Шунингдек, ўша вақтлардаги шоир, кўшиқчи, аскиячилар билан яқиндан ҳамкорлик қилишади. Шоирлардан Ғафур Ғулом, Собир Абдулла, Чарҳий,

Чустий, ашулачилардан Жўраҳон Султонов, Маъмуржон Узоков, Юнус Ражабий, Маъруфхўжа Баходиров, Ҳожихон Болтаев, Комилжон Отаниёзов, Орифхон Хотамов, аскиячилардан Ижроқум бува, Дехкон Юзбоши бува, Ғойиб бува, Насриддин бува, Абдулхай махсим Қозоқов, Обил бува, Уста Қурбон бува уларнинг яқин дўстлари эди.

Ушбу санъаткорлар бир-бирларига "уста" деб мурожаат қилишиб, юксак ҳурмат ва эътиборли бўлишган. Манбаларга асосланиб шуни айтиш мумкинки, Расулқори ака Жўраҳон Султоновни, Янгиқўрғон яқинидаги Дехконобод қишлоғилик Мамадалиқори бува Отабоевни (журналист Собиржон Отабоевнинг отаси) устозим деб билган.

Расулқори Мамадалиев ва Камолиддин Ҳамроқуловнинг ижрочилик маҳоратларига Жўраҳон Султонов, Орифхон Хотамов ва бошқа азиз инсонлар юксак баҳо беришган.

Р.Мамадалиев ўзининг ўлмас асарлари билан ўзбек мумтоз кўшиқчилигида ёрқин из қолдириб кетди. Унинг зехни ўткирлиги ва билимдонлигини алоҳида таъкидламоқ керак. Ҳозирда ҳофизнинг юзлаб кўшиқлари фарзандлари қўлида авайлаб сақланмоқда. Расулқори ака ўзбек халқи маданий меросининг, мумтоз адабиётининг ва замонавий шеърятининг чуқур билимдони эди.

Афсус ва надоматлар бўлсинки, бу инсонга мустақиллигимиз ва истиқлолимиз нашидасини суриш насиб этмади. Шўро даври маданият арбоблари охири пайтда Расулқори Мамадалиевнинг репертуарида замонавий бастакорлар ижодидан намуна йўқлигини пеш қилиб, ҳаммаса ўтмишдаги меросдан иборат, деган баҳона билан радиога ёзишга рухсат беришмайди. Бундан ҳофиз ранжисада, сукут сақлаб узлатни ихтиёр қилади. Агар узоқ умр кўриб мустақилликкача етиб келганда эди, келажак авлодга маданий меросимиз, ўзбек мумтоз кўшиқчилиги, халқ оғзаки ижоди ва аскиячилигини тушунтиришда жуда катта тирик манба бўлиб хизмат қилган бўлур эди.

Р.Мамадалиевнинг бой меросини ўрганишимиз миллий кадриятларимизни қайта тиклашда, ўзлигимизни чуқурроқ англашимизда катта омил бўлади, деган умиддаман.

Куйидаги уч хотирани ёзувчи Саид Анварнинг "Жаннатмакон" журналида босилган "Расулқори Мамадалиев" хотира-мақоласидан олиб келтириб ўтдик. Бунинг учун Саид Анварга миннатдорчилик билдирамиз.

Янгиқўрғон қишлоғида яшовчи ҳофизнинг маҳалладоши, аскиячи Ўқтамжон Юсупов хикояси:

Бешинчи синфда ўқирдим. Бир куни Расулқори бадий китобларни бийрон-бийрон ўқишимни эшитиб, мен ўқийдиган мактабга кириб келди. Биздан шеърий китобларни бўш вақтимизда, уйларига бориб ўқиб беришимизни илтимос қилди. Биз ўртоғим Икром Ақромов билан у кишининг илтимосларига кўра, китоб ўқиб берадиган бўлиб қолдик. Устоз биз ўқиб берган "Ўзбек халқ дostonлари", "Ўзбек шеъриянти антологияси" ва бошқа шоирларнинг девонларини жуда оз фурсатда эшитиб батамом ёд олди. Кейин хотираларидаги "китоблар"дан танлаб куйга солиб ижро этарди. Биз ҳофиз ижро этган ашула матнларини махсус дафтарга кўчириб, ёзиб борар эдик. Дафтарда 200 дан ортик шеърий матнлар борлигини хотирлайман. Айниқса, Хоразм дostonларидан кўп шеърлар ёдлаган. "Гўрўғли" дostonидаги Гўрўғли насихатини қори ака яхши айтган, сўзларини мен ҳам ёд биламан:

Асло одамзотга аччиқ сўз айтма,
 Фақир мискинга қаноат яхши.
 Бахилга ёндашма, юзини кўрма,
 Бир иш битирмакка қаноат яхши.

Етимни кўрганда кулар юз бергил,
 Кўлдан келса анга таом-туз бергил,
 Ғамгинни учратсанг ширин сўз бергил,
 Бечора қулларга химоят яхши.

Севгили ишингни қилмагил бадал,
 Кўлдан келмас ишга ярашмас жадал,

Нега керак сенга бу курук амал?
Эрга химмат, мардга далолат яхши.

Кори аканинг биз ёшлар билан ҳамкорлиги адабиёт ва санъатни севишимизга жуда катта таъсир кўрсатди.

Шарқшунос ва чолғу асбоблари тайёрлаш устаси Холмухаммад Олимжонов хикояси:

- Расулқорига гарчи куёв бўлсам-да, мени ўғлидек, балки ундан ҳам зиёда яхши кўрардилар. Бу хонадонни Алишер Навоийнинг дўсти Пахлавон Муҳаммад бунёд этган "Неъматобод"га ўхшатгим келади. Кутлуғ гўшада кечаю кундуз меҳмон аримас, тонг сахардан то кечгача қора қозон қайнарни. Ҳар бир меҳмон бу хонадонга дадамнинг жибиллий - туғма санъатидан баҳра олиш илинжида келарди.

Бир куни ховли ўртасида кўкка бўй чўзган улкан садақайрағоч соясида кўплаб шинавандалар билан ширин сухбат қуриб ўтирсак, тўрт забардаст меҳмон - домла Чархий, академик Ғафур Ғулом, давр алломалари Муҳаммад Ўрозбоев ва Убай Орифовлар кириб келишди.

Меҳмонларга оби таом тортилиши билан фурсат ғанимат билиниб, асосий муддаога ўтилди. Дадам ўнлаб мумтоз кўшиқларни шундай маромига етказиб айтдиларки, "тик" этган бегона товуш эшитилмас эди.

Оҳким, номехрибоне азми бедод айлади,

Бир йўла мехру вафо расмини барбод айлади.

Ҳофиз "Чапандози баёт"га солиб айтиладиган бу ғазални ўта маҳорат билан, тўрт авжини маромига етказиб куйлади. У кишининг мухлиси бўлган меҳмонлар ҳам бетакрор ижрони жон қулоқлари билан тинглашди. Кейин билишимизча, Ғафур Ғулом ўзининг Тошкентда ўтказиладиган 60 йиллик юбилей тантаналарига бориш учун дадамга таклифнома ташлаб кетган экан.

Тошкентлик Абдулазиз Мусаев хикояси:

Илгари адаби усул таомилига кўра, ҳофиз бир жуфт ашула айтгач, шеригига навбат берарди. Бир даврада Расулқори маҳоратли ҳофиз Умаржон Отаевга ажойиб шеърин назира билан лутф қилганлари халигача кўз олдимда.

МАРСИЯЛАР

Бу гўзал, аммо бебақо дунёда инсон боласи меҳмондир.
Шоҳу гадо, хосу ом ажалнинг дастидан қочиб қутила олмайди.
1976 йили, 11 декабрь куни Расулқори ҳам фоний дунёдан
риҳлат қилди. Аммо жуда эрта ва тўсатдан кетиб қолди.
Ҳазиний айтганидек:

Олурға қобизу-л-арвоҳ тикилса жонингга,
Нафасни муддати битса демас у ёш қари.

Хожажон Қози Рожий Марғинович (1837-1918) ўз дўсти
Усмонхожа аълам вафотга бағишланган марсиясида бу
туйғуни жуда таъсирли ва бетакрор тарзда ифодалаган эди:

Фано майдонидин ким юрмай ўтти,
Қазонинг қаҳрамонин сурмай ўтти?
Бири келди-ю навбат бирга етди,
Туриб кетгон келиб ўлтурмай ўтти.
Бу маҳфилдин ажал соқийси кимга
Ўлумни шарбатин сундурмай ўтти?
Фалакни золи кимнинг туфроғини
Элакдин ўтказиб тўздурмай ўтти?
Лаҳад дарвозасидин қайси сардор,
Белин букмай, бошин индурмай ўтти?
Бу дунё кўчасидин қайси отли,
Адам сори дўнонин бурмай ўтти?
Бошини косасини қайси сарвар,
Лаҳад туфроғига тўлдурмай ўтти?
Ажал кимнинг ёғочли маркабиға,
Аёқдин қолдириб миндирмай ўтти?
Ўлим шаҳбозини сарпанжасидин
Ким ул болу парин юлдирмай ўтти?
Бу йўлда катта давлатлик мусофир
Қўлидин нақдини олдирмай ўтти?
Жаҳондин ўтти Усмонхожа аълам
Тажаммулни дўконин қурмай ўтти.
Бақо мулкин йўлини билган аълам
Хато, жинкўчалардин юрмай ўтти.

Расулқори ҳам фақат яхшилик учун умрини сарф этиб, улуғларга хос обрў билан дунёни тарк этди. Хофиздан айрилиш мухлисларни, айниқса, санъат ва адабиёт аҳлини ларзага солди. Улар жудолик утига чидай олмай марсия битдилар.

Набихон Чустий
(Расулқори Мамалалиев хотирасига)

Бу қандай ходиса - бир нурли юлдуз учди осмондан,
Адам боғига парвоз этди бир булбул гулистондан,
Замон айрилди бир оташнафас олий хушхондан,
Ягона зубдаи даврон эди, кетди бу даврондан,
Етишди "Алвидо" авжи фалакка Ўзбекистондан.

Ҳамиша Хофизу Жомий, Навоий рухин этди шод,
Ўкиб Бобур, Муқимий, Огаҳий шеърин килди ёд,
Муҳаббат бирла Фуркат, Завкий ижодин қилиб обод,
Эди ширин ғазаллар ошиқи шайдоси бу Фарҳод,
Жудо килди қазонинг Ҳисрави жисмин ширин жондан.

Қани ул мажлисоро, азқиё тахтини султони?
Қани оҳанг жанонин забт этган марди майдони?
Эди тўю томошоларда элнинг роҳати жони,
Кўпайган эрди юлдуз сонидан ёру кадрдони,
Уни танбури хомуш қолди юз оҳангу илхондан.

Ажойиб камтарин, хушёрлигин кўрганда ҳар одам,
Дер эрди "Сухбатига тўймадим, кўрсам, яна кўрсам",
Бу таъриф хислатин мингдан биридур, қанча айтсам кам,
Қулоқ солгай эди овозига ҳатто девор ҳам,
Чидаб бўлгайми - ажраб қолди дўстлар шундай инсондан.

Келиб кетди бўлиб элга азиз меҳмон Расулқори,
Минг афсус, минг аламким сурмади даврон Расулқори,
Ўлим шоҳидан олди ногаҳон фармон Расулқори,
Қолишга бир нафас ҳам топмади имкон Расулқори,
Биз айрилдик, жудо бўлди у ҳам ёру кадрдондан.

Сана мингу тўққиз юзга етмиш олти зам эрди,
Жаҳондан ўтди қирк саккиз ёшида, бу - алам эрди.
Менга фарзанди жонимдек азизу мухтарам эрди,
Вафотин таърих этган Чустию мухлис қалам эрди,
Кўнгилдан меҳри кетмас, номи ўчмас шеъру дostonдан.

* * *

Расулқорига чинакам мухлис, маънавий хомий бўлган ажойиб шоир Қодиржон Дехқонов узоқ йиллар туман маданият бўлими бошлиғи, туман газетаси муҳаррири, туман ижрокўми раиси ўринбосари каби лавозимларда ишлаган. У киши бизларнинг ҳам устозимиз бўлиб, талабалик давримизда машқ шеърларимизни туман газетасида чоп эттирар эди.

"Менинг далам" ва бошқа шеърини китоблар муаллифи Қодиржон аканинг кўпгина ғазаллари туман хофизлари томонидан куйга солиб ижро этилган. Расулқори вафот этганда шоир ўтли бир марсия битади, бу асар тезда қўлма қўл бўлиб кетади. Бачқир қишлоғида яшовчи Кўчқор ака тўй қилганда Ўзбекистон халқ артисти Камолиддин Раҳимов ташриф буюради. Бувайдалиқлар Камолиддин акага марсияни тақдим қилишади. Камолиддин Раҳимов Қодиржон Дехқоновнинг "Бир гўзал япроқ узилди..." марсиясини шогирдона бўзлаб куйлайди. Орадан кўп вақт ўтмай хофиз ижро этган кўшиқ-марсия бутун республикамизга ёйилади. Бугунги кунда бу марсия бошқа хофизлар томонидан ҳам куйланади.

Қодир Дехқон

"Бир гўзал япроқ узилди..."

Бир гўзал япроқ узилди, барг сўзон йиғлади,
Барча хешу ақрабою ҳам қадрдон йиғлади,
Ким чекиб фарёдлар, ким эрса пинҳон йиғлади,
Не иложким чора йўқдир Янгикўрғон йиғлади,
Бир гўзал япроқ узилди, барг сўзон йиғлади.

Хофизи нусрат эдинг, сен эларо қорий Расул,
Қалбимизни айладинг мотамсаро, қорий Расул,

Доғи хажрингдан, нетай бағрим яро, қорий Расул,
Кўзларимда абри найсон, жисмим аро жон йиғлади,
Бир гўзал япроқ узилди, марг сўзон йиғлади.

Санъати устозларин шухратига кўп кўшди шон,
Мулла Тўйчи, Хожихону Эрка қоридан нишон,
Унга мухлис эрди мархум пиртакий Одил эшон,
Нолаю афғон билан хофиз Орифхон йиғлади,
Бир гўзал япроқ узилди, барг сўзон йиғлади.

Завқ билан чертганда танбур булбул чаманда хор эди,
Кумрилар қорийга ўшаб куйламокқа зор эди,
Назм агар созига тушса шунда чин ашъор эди,
Сохибин кўмсаб бугун танбури қон йиғлади,
Бир гўзал япроқ узилди, барг сўзон йиғлади.

Тупроғини дўстлари йиғлар кўзига суркашиб,
Уста Курбон ҳам Камолиддин садоқат кўрсатиб,
Барча шогирди қатори сафда бор Абдуллатиф,
Белини боғлаб Етов бирла Раҳимжон йиғлади,
Бир гўзал япроқ узилди, барг сўзон йиғлади.

Йўқланур ўрнинг хамиша - ортда бор зурёдлар,
Эслашур номингни доим навқирон авлодлар,
Мадх этиб марсия битди Қодир чеқиб фарёдлар,
Кетди деб узлат сари аҳли ғазалхон йиғлади,
Бир гўзал япроқ узилди, барг сўзон йиғлади.

* * *

Содиқжон Мамадалиев
*(Расулқорининг кенжа фарзанди, 1964 йили туғилган,
музыка асбоблари ясовчи мохир уста, созанда ва хофиз)*

ИФТИХОР

Мен дадам раҳматли вафот этганда 12 ёшда эдим. У зоти
бобарокот вафот этиб кетганларига 35 йил вақт ўтганига

карамай, юртимизнинг турли бурчакларидан одамлар эшик қокиб ханузгача у киши ижро этган кўшиқлар ёзилган кассеталарни сўраб келишади. Иложи борича мухлислар талабларини қондиришга ҳаракат қиламиз. Отамиз туфайли ханузгача уйимиздан меҳмон аримайди. Мен одамларнинг дадамга бўлган самимий ҳурмат-эҳтиромларини кўриб, шундай инсоннинг фарзанди эканлигим билан фахрланиб катта бўлдим. Катталар назарида одоб-ахлоқли, хуш муомалали инсон бўлиб юришга ҳаракат қилдим. Дадам туфайли республикамизнинг машҳур ҳофизлари ва шоирлари, олиму фузалолари, санъатга шинаванда раҳбарлари билан танишишга муяссар бўлдим, дўст-биродар орттирдим. Бунинг учун дадамга пинхоний раҳматлар айтиб, Яратганга шукрона қилиб юраман.

Тошкентлик врачлар дадамнинг кўзини жарроҳлик амалиёти билан даволамоқчи бўлишган. "Кўзларингиз соғ, фақат олдини парда тўсиб туради. Шу пардани олиб ташласак, кўрадиган бўласиз" дейишган, аммо дадам негадир бунга кўнишмаган.

Ёшим улгайган сари дадам айтган ашулалар мазмуни ва ижро муддаоларини тушуниб, у киши нақадар буюк қалб соҳиби, бетакрор истеъдод бўлганлигига амин бўлиб бораётирман. Дадам орқали санъатни, адабиётни севдик. Санъаткор ва маънавият арбоблари қадрини билдик. Дадам ҳақида аввало, мен онам Кимёхон аядан кўп нарсалар эшитганман. Акам Муҳаммаджондан (марҳум), поччам Ҳолмуҳаммад Олимжон ўғлидан, опаларимдан ҳам жуда кўп хотираларни тинглаганман.

Дадам бизларга касб-хунарли бўлишни маслаҳат берарди. "Хунар - хунардан унар", "Хунари йўқ кишининг мазаси йўқ ишининг" каби мақолларни айтиб, маъносини шарҳлаб берар эди. "Мен кўзим ожиз бўлгани учун хунар билан шуғуллана олмадим. Фақат ашула айтиб одамларга хизмат қилдим. Сизлар ўз рўзгорингизни хунар билан тебратинг, бировларга юк бўлманг, савобли иш билан шуғулланинг, кам бўлмайсиз" дер эдилар.

Мен дадам васиятларига амал қилиб, ёшлигимда сартарошлик касбини эгалладим. Туман марказида маиший

хизмат уйига қарашли сартарошхонада ишладим. Кейинчалик поччам Ҳолмуҳаммад акадан дутор ва танбур ясаш хунарини ўргандим. Уйда устахона очиб танбур-дутор тайёрлаб, созандаларга тортик қилиб тураман. Ҳозир шоғирдларим бор, бир ўғлим менинг хунаримни эгаллаб, уста бўлиб қолди. Вилоятимиз мусиқа мактаблари ва санъат коллежлари талабаларига қўлдан келганича чолғу асбоблари ясаб бермоқдамиз. Кейинги пайтларда танбур чертишни машқ қилиб, дадам ижро этган ашулаларни айта бошладим. Аммо дадамлар ижроси ўта кучли овозни талаб қилади. Шунинг учун айрим ашулаларни, мақомларни куйлаш билан чекланаман. Танбур ва дуторни эса ишдан зериккан пайтимда хуморим тарқалгунча чаламан.

Дадамиз кўзи ожиз бўлса-да, Яратган у кишига тўрт мучаси соғ 10 нафар фарзанд ато этди, уларнинг етти нафари кизлар, уч нафари - ўғиллар. Кизлари - Ширмоной, Саодатхон, Ҳосиятхон, Ўғилой, Роҳатой, Раънохон ва Маърифатхон. Ўғиллари - Муҳаммаджон (мархум), Солижон ва мен - Содикжон. Онамиз Кимёхон ая билан отамиз биргаликда бизларни бировдан кам қилмай тарбияладилар.

Расулқори судоласидан унинг йўлини давом эттираётган авлод ҳам ўсиб келаётир. Муҳаммаджон акамнинг набираси (кизининг ўғли) Шерзод ҳозир Ўзбекистон давлат консерваториясининг анъанавий ижрочилик йўналиши талабаси, ғижжак чалади. Солижон акамнинг ўғли Ҳасанбой - доирачи. Менинг ўғлим Одилбек Фарғона санъат коллежини битирди. Танбур чалади.

Муҳаммаджон акамдан кейин дадамнинг меросини мен асраб келмоқдаман. Дадам ва Камолиддин бувам ижро этишган, дадамнинг ўзи алоҳида ижро қилган ашулалар ёзилган жуда кўп аудиокассеталар, бошқа хофизлар ижроси ёзилган аудиокассета ва пластинкалар бизда сақланади. Шунингдек, дадамга тегишли буюмлар, китоблар, қўлёзмалар, турли мусиқа чолғулари, фотосуратлар у кишидан табаррук ёдгорлик сифатида асралади. Агар дадамнинг уй-музейлари ташкил қилинса, бу ноёб мерос яна-да мукамал тарзда сақлаб қолиниб, келгуси авлодларга қолдирилар эди.

СУРАТЛАР – КЎЗ ҚУВОНЧИ

Ўзбек мумтоз қўшиқчилигининг юксак билимдони ва ижрочиси, машҳур эл суйган ҳофиз, беқиёс овоз соҳиби, аския санъатининг устаси, оташнафас инсон Расулқори Мамадалиев ҳақида қанчадан-қанча хотиралар ёзсам камдек туюлади.

Қори ака кўп йиллар мобайнида менинг падари бузрукворим Камолиддин (Комилжон) Ҳамрақулов билан бирга ижод қилишиб, ҳамнафаслик қилишган. Раҳматли ҳофизни болалигимдан, эсимни таниганимдан то қазо қилгунга қадар (1976 йил, 11 декабрь) кўп маротаба суҳбатларида, давраларда, турмушининг барча жабҳаларида ёнида ва яқин атрофида бўлганман. Қори аканинг хотира кечаларини ўтказишда, тадбирларда, давра суҳбатларида ҳамда маросимларининг бир қанчасида иштирок этганман, гувоҳи бўлганман.

Расулжон Камолов



Расулқори Мамадалиев устози ва ҳамнафаси Камолиддин Ҳамроқулов (чапда) билан хониш қилмоқда (1957 йил)

Абдулатиф Холдоров, Етовқузи Салоҳиддинов, Саминжон Қосимов, Мўминжон Имомов, Муҳаммаджон Шералиев, Шерқузи Ғозиев, Раҳимжон Камолов каби истеъдодлар ҳам Камолиддин ака билан Расулқори мактабидан етишиб чиққан ашулачи ва созандалар эдилар.



“Ўзбекфильм” киностудиясининг бир гуруҳ санъаткорлари Бувайда районининг маркази Янгиқўрғонда 10 кун давомида “Эҳтиёт бўл, илон” номли 2 серияли бадиий фильмини Ўзбекистон халқ артисти, республика давлат мукофоти лауреати Зоҳид Собитов раҳбарлигида суратга олди. Суратга олиш учун Янгиқўрғонни танлаш тасодифий эмас эди. Бугун бу район тимсолида ўзбеклар диёрининг кўркамлиги ва ободонлиги ёрқин намоён бўлган десак муболага бўлмайди. Бизни ҳайратга солган нарса район меҳнаткашларининг одамийлиги, меҳмоннавозлиги ва ишимизнинг ривожига катта ҳисса қўшганликларидир.

Наби Раҳимов, Зоҳид Собитов, Темурмалик Юнусов, Ҳотам Файзиев, Пўлат Саидқосимов, Уйғун Тўхтаев.



Дадамиз кўзи ожиз бўлса-да, Яратган у кишига тўрт мучаси соғ 10 нафар фарзанд ато этди, уларнинг етти нафари қизлар, уч нафари ўғил. Қизлари – Ширмоной, Саодатхон, Хосиятхон, Ўғилой, Роҳатой, Раънохон ва Маърифатхон. Ўғиллари – Муҳаммаджон (марҳум), Солижон ва Содиқжон. Онамиз Кимёхон ая билан отамиз биргаликда бизларни тарбияладилар.

Расулқори сулоласидан унинг йўлини давом эттираётган авлод ҳам ўсиб келаётир. Муҳаммаджон акамнинг набираси (қизининг ўғли) Шерзод ҳозир Ўзбекистон давлат консерваториясининг анъанавий ижрочилик йўналиши 2-курс талабаси, гижжак чалади. Солижон акамнинг ўғли Ҳасанбой – доирачи. Менинг ўғлим Одилбек Фаргона санъат коллежини битирди. Танбур чалади.

Содиқжон Мамадалиев

*Ўғил-қизим, фарзандим, ишқ богида пайвандим,
Богланиб банд-бандим, соғинганда ўртандим,
Фарзандим асал-қандим.*

Ёнгин Мирзо



*Келиб кетди бўлиб элга азиз меҳмон Расулқори,
Минг афсус, минг аламким сурмади даврон Расулқори,
Ўлим шоҳидан олди ногаҳон фармон Расулқори,
Қолишга бир нафас ҳам топмади имкон Расулқори,
Биз айрилдик, жудо бўлди у ҳам ёру қадрдондан.*

Набиҳон Чустий

*Йўқланур ўрнинг ҳаммиша – ортда бор зурёдлар,
Эслашур номингни дошм навқирон авлодлар,
Қодир Деҳқонов*

*Рисола муаллифи Икромиддин Остонақулов Расулқори
Мамадалиевнинг кенжа ўгли Содиқжон билан*



Ўзбек санъатишунослиги ва журналистикасида Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов, Юнус Ражабий, Комишжон Отаниёзов, Ҳожихон Болтаев, Жўрахон Султонов, Тўхтасин Жалилов, Таваккал Қодиров каби мактаб яратган санъат даргалари ҳақида илмий, илмий-вмабон рисоалар яратилган. Тарих фанлари доктори Икромиддин Остонақуловнинг “Сўз чамани ичра наво кўргизиб” номли рисоласи Фарғона-Тошкент қўшиқчилик мактабининг XX асрдаги забардаст вакили Расулқори Мамадалиев ҳаётини ва ижодий биографиясини хронологик тарзда ҳикоя қилиш ва шу орқали ҳофиз ижодининг маданиятимиз тарихидаги хизматларини кўрсатишга бағишланган.

*Низомиддин Маҳмудов,
филология фанлари доктори, профессор
Насимхон Раҳмонов,
филология фанлари доктори, профессор*

РАСУЛҚОРИ МАМАДАЛИЕВ УЙ-МУЗЕЙИНИ ОЧИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов ўзининг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида мусиқа санъатининг мақом-мартабаси борасида шундай деган эди: "Инсоннинг рухий камолоти ҳақида гапирар эканмиз, албатта бу мақсадга мусиқа санъатисиз эришиб бўлмайди. Халқимиз ҳаётида мусиқа азалдан бекиёс ўрин тутиб келади. Мусиқа садолари қайси халқ ёки миллат вакили томонидан ижро этилмасин, энг эзгу, юксак ва нозик инсоний кечинмаларни ифода этади.

Барчамизга аёнки, куй-қўшиққа, санъатга мухаббат, мусиқа маданияти халқимизда болаликдан бошлаб, оила шароитида шаклланади. Уйда дутор, доира ёки бошқа чолғу асбоби бўлмаган, мусиқанинг ҳаётбахш таъсирини ўз ҳаётида сезмасдан яшайдиган одамни бизнинг юртимизда топиш кийин, десак, муболаға бўлмайди.

Энг муҳими, бугунги кунда мусиқа санъати навқирон авлодимизнинг юксак маънавият руҳида камол топишида бошқа санъат турларига караганда кўпроқ ва кучлироқ таъсир кўрсатмоқда. Маданий жамоатчилигимиз, авваламбор мусиқашунос олимлар, устоз санъаткорлар, композиторлар, ёзувчи ва журналистлар, кўп сонли санъат ихлосмандлари ёшларимизга тўғри тарбия беришларини ҳам қарз, ҳам фарз, деб ўйлайман.

Агар инсоннинг қулоғи енгил-елпи, тумтароқ оҳангларга ўрганиб қолса, бора-бора унинг бадий диди, мусиқий маданияти пасайиб кетиши, унинг маънавий оламини сохта тушунчалар эгаллаб олиши ҳам ҳеч гап эмас. Охир-оқибатда бундай одам "Шашмақом" сингари миллий меросимизнинг ноёб дурдоналарини ҳам, Моцарт, Бетховен, Бах ва Чайковский каби дунё тан олган буюк композиторларнинг асарларини ҳам қабул қилиши кийин бўлади.

Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун санъаткорлар орасида соғлом ижодий муҳит ташкил қилиш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий олами ва маданий савиясини юксалтириш, ёшларимизнинг миллий ва жаҳон мусиқа

маданиятининг мумтоз асарлари билан бирга, замонавий эстрада санъати намуналаридан кенг бахраманд бўлиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, муסיқий таълимни янада ривожлантириш масалалари ўта муҳим аҳамият касб этади.

Мустақиллик йилларида, мумтоз муסיқий меросимизни асраб-авайлаш ва ўрганиш, уни ёш авлодларга безавол етказиш мақсадида кўплаб кўрик-танловлар, нуфузли халқаро муסיқа анжуманлари мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда".

Дарҳақиқат, республикамизда адабиёт, тасвирий санъат ва муסיқа санъати, кўшиқчилик кадр топиб бормоқда. Буни биргина маданият арбоблари таникли вакилларининг уй-музейлари очилганлигидан ҳам билса бўлади. Тошкентда Ғафур Ғулум, Ойбек, Абдулла Қаххор, Сергей Есенин каби шоир ва адибларнинг, Юнус Ражабий ва Мухтор Ашрафий каби санъат дарғаларининг уй-музейлари (давлат мезейлари билан бир қаторда) маънавият ўчоғи сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Республикамизнинг ҳар бир вилоятида, йирик шаҳарларимизда қатор уй-музейлар ташкил этилган. Кўкон шаҳри ва унинг атрофидаги туманларда ҳам машҳур кишиларнинг уй-музейлари очилгани ҳурматга сазовор. Ана шу хайрли ишнинг давоми сифатида Бувайда тумани маркази Янгиқўрғонда "Расулқори Мамадалиев уй-музейи" ташкил этилса, нур устига аъло нур бўлар эди.

Расулқори ижоди ва инсоний фазилатлари хақида замондошлари, олиму фузалолар, санъатшунос ва адиблар бир неча мақола ва эсдаликлар ёзишган. Газета ва журналларда унинг сурати босилган. Кўшиқлари ёзилган аудиокассеталар ҳар бир ашула муҳлиси хонадонида топилади. Агар уй-музей очилса, фақат Расулқори ижодигина эмас, балки Кўкон шаҳри ва унинг атрофидаги туманларда яшаб ижод этган санъаткорлар ва шоиру фузалоларга тегишли қимматли экспонатлар бу ерга жамланган бўлур эди.

Биз "Расулқори Мамадалиев уй-музейи" жиҳозлари ва биноси бошқа уй-музейларидан ўрнатилган ҳолда, яна ҳам оригиналроқ бўлишига ишонамиз. Бино қуриш учун ер ажратиб берилса, кифоя қилади. Иморат қуришга хомийлар топилади. Тахминий лойиҳага кўра уй-музей уч залдан иборат бўлади. Биринчи зал "Сухбатхона" деб номланади. Бунда уй-

музейга ташриф буюрган ўқувчи, талаба ва шинавандаларга хофизнинг ҳаёти ва ижоди таништирилади. Иккинчи зал "Намойиш зали" деб номланиб, бу ердан хофизга тегишли буюмлар, китоблар, пластинкалар, чолғу асбоблари намуналари, Фарғона водийси хофизлари, созанда ва шоирлар портретлари, таржимаи ҳоллари, тасвирий санъат намуналари ўрин олади. Учинчи зал "Тинглаш хонаси" деб номланиб, бу ерда Расулқори Мамадалиев ижро этган ноёб ашулалардан, чалган мусиқалардан тингланади. Ижодий дарслар ташкил этилиб, жонли ижро анжуманлари ўтказиб турилади. Бу эса маҳаллий ёшларни маънавий етук, нафосатли, завқли бўлиб вояга етишларига амалий ҳисса бўлган бўлур эди.

Республика маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Фарғона вилояти ҳокимлиги ҳамда Бувайда тумани ҳокимлиги бизнинг бу орзуларимизни рўёбга чиқаради, деган умиддамиз. Колаверса, интеллектуал ва номоддий бойликка хомийлик қилишни истайдиган, миллий қўшиқчилигимиз шайдоси бўлган сахий ва олижаноб замондошларимиз ҳам қараб турмайдилар, деб ўйлаймиз.

Зеро, Расулқори Мамадалиев Алишер Навоий ҳазратларидан куйлаганидек,

Кимки бир кўнгли бузуқнинг хотирин шод айлағай,
Онча борким Каъба вайрон бўлса, обод айлағай.

Зеро, Расулқори хофиз Чустий ғазалини ёниб куйлаганидек,
Яхшилар етсин муродга - кўнглида ҳам бўлмасин,
Кимки элни шод этибдур, давлати кам бўлмасин.

Зеро, Расулқори окин "Гўрўғли" достонидан сўйлаганидек,
Эрга ҳиммат, мардга далолат яхши.

Расулқори Мамадалиев ва унинг ҳамнафаси Камолиддин Хамроқуловлардек чинакам халқ хофизларининг буюк хизматларини жондан азиз давлатимиз ва миллионлаб халқимиз хамиша эъзозлайди. Чунки, Хусайнхон Мушкин ёзганидек:

Эй Ватан, меҳрингда содиқ меҳрибонинг кўп сенинг,
Қиммату қадрингни билган жонажонинг кўп сенинг!

*Тошкент шаҳри,
2011 йил, 12 ноябрь.*

МУНДАРИЖА

Соибжон Бегматов. Қомусий санъаткор.....	3
Мунгли болалик.....	10
Илк ижро, илк эътироф.....	17
Марсияи Хожа Юсуфхон.....	22
Ашула муздига – бузокча.....	23
Жудолик.....	25
Сафардан қайтмаган ота.....	32
"Баҳри муҳаббат Марғилон".....	33
Янгийўл, янги ҳаёт.....	36
Юртга қайтиш.....	36
Мамадали бува.....	39
Ҳамнафас Камолиддин Ҳамроқулов.....	43
Кумри.....	49
Хуш макон Янгиқўрғон.....	52
Доктор Февзининг дил каломи.....	55
Унутилмаган лаҳзалар.....	57
Олтин овоз - олтин мерос.....	59
Ҳофиз меросининг ўрганилиши.....	65
Хотиралар.....	66
Расулжон Камолов. Отдошим ҳақида бир шингил.....	66
Марсиялар.....	73
Набихон Чустий. Расулқори Мамалалиев хотирасига.....	74
Кодир Дехқон. Бир гўзал япроқ узилди.....	75
Содиқжон Мамадалиев. Ифтихор.....	76
Суратлар – кўз қувончи.....	79
Расулқори Мамадалиев уй-музейини очиш ҳақида.....	84

Бадиий-биографик нашр

Икромиддин Остонақулов

**Сўз чамани ичра
наво кўргизиб**

(Халқ хофизи Расулқори Мамадалиев ҳақида рисола)

**Мухаррир:
Амирқул Каримов**

**Тех. мухаррир:
О.Ҳаётбеков**

Теришга 02.02.2012 йилда берилди. Босишга 25.02.2012 йилда
рухсат этилди. Бичими: 60x84 $\frac{1}{16}$. Офсет босма усулида чоп этилди.
5,5 Босма табок. Адади 500 та. Буюртма №34

«MERIYUS» ХМНК. 100121. Тошкент.
Усмон Носир кўчаси, 158.

«MERIYUS» хусусий матбаа-нашриёт корхонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳри, ген. Узоқов кўчаси 2 «а» уй.